

2P

Хабар

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

3
(1165)
16-YANVAR
2015
www.xabar.uz
info@xabar.uz
1992-YIL MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI

ИШ БОШЛАНДИ, АММО

ҲАММАСИ ОЛДИНДА



Яқунланган 2014 йил соҳамизнинг янги тузилмаларидан бири — Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази учун ҳам сермахсул ва тажрибалар йили бўлди. Аввало, марказ зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда фаолият бошлаб, республикамиздаги қатор корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда муҳим аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этди.

5-бет

УШБУ СОНДА:

- Дийдор телекўприги **3**
- Google: Энг яхши 127 андроид-илова **4**
- В Ташкенте прошел семинар-тренинг **6**
- IOT билан келажак сари **11**
- Эзгуликнинг буюк мазмуни **13**
- "Ўзи-Жиззах": Тараққиёт одимлари **15**

Сўнги янгилик!

Gartner: 2015 йили халқаро планшетлар бозорида савдо кўрсаткичлари пасайиши кузатилади ва ўсиш суръати 8 фоиздан ошмайди. Жами 233 млн.та қурилма сотилиши кутиляпти.

Планшетларга ўрнатилган амалий тизимлар орасида Android етакчиликни сақлаб қолади — 1,4 млрд. қурилма. Кейинги ўринларни iOS ва Windows банд этади.



Jumadan Jumagacha

Ташкент шаҳрида 12 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Парламент қўйи палатасининг биринчи мажлисини қонунга мувофиқ Марказий сайлов комиссиясининг раиси М.Абдусаломов очди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Мажлисида Оқсоқоллар кенгашининг таклифига биноан депутатлар яшрин овоз бериш йўли билан Нуриддинжон Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайлади. Шунингдек, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ҳамда парламент қўйи палатаси қўмиталари раисларини ҳам сайлади.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ватан ҳимоячилари қуни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, муҳофаза ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

"Туркистон" саройида 13 январ куни Ватан ҳимоячилари қуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллигига бағишланган таянвали маросим бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Ислам Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси муҳофаза вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди. Таянвали маросимда таникди санъаткорлар ва ёш истеъодлар ижросида катта байрам концерти намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институтида зилзилаларни симуляция қилиш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Маъмуа Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда Марказий Осиёдаги DIPCHO VII табиий офатларга тайёргарликни таъминлаш дастури доирасида ташкил этилди.

Бухорода вилоят ҳокимлиги, "Қамолот" ЁИХ вилоят кенгаши ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Кексалари эъзода, ёшлари эътиборда бўлган юрт" шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбир Кексаларни эъзозлаш йили ва Ватан ҳимоячилари қуни муносабати билан ташкил этилди.

Мамлакатимизда иқтисодий тартиқдор ривожлантириш мақсадида солиқларнинг рағбатлантирувчи родини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 4 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроекономик кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимиз солиқ тизими самарадорлигини янада оширишга қаратилган.

СОЛИҚ ТИЗИМИДАГИ ЯНГИЛИК ВА ЎЗГАРИШЛАР

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорига мувофиқ, юридик шахслардан олинандиган фойда солиғи ставкаси 8 фоиздан 7,5 фоизга туширилди. Ходимларга тўланадиган даромадларни легаллаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш фондида солиқ юқини пасайтириш мақсадида микрофирмалар, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга, қурилиш соҳасида фаолият юритувчи кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилди.

Бундан ташқари, жорий йилда муддати тугаши кўзда тутилган бир қатор имтиёзларнинг амал қилиши қарор асосида яна узайтирилди. Жумладан, кўшимча даромад олувчи бюджет ташкилотларига солиқлар, йиғимларнинг барча турларидан, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар тўлашдан озод қилиш бўйича берилган имтиёзлар, тўлов контракт асосида кадрларни тайёрлаш учун тушадиган маблағлардан олий таълим муассасаларини солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалардан озод этиш бўйича имтиёзлар, профессионал футбол клублари, Ўзбекистон футбол федерацияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларини солиқлар ва йиғимларнинг барча тур-

ларини (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) тўлашдан озод этиш бўйича имтиёзларнинг муддати 2018 йил 1 январгача узайтирилди.

Жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи бўйича 2015 йил 1 январдан бошлаб ушбу солиқни ҳисоблашда энг кам иш ҳақининг бир бараваригача "0" даражали ставкани назарда тутувчи тўрт поғонали солиқ ставкаларини қўллаш тартиби жорий этилди. Яъни, жисмоний шахсларнинг

ҳизмати органига ёзма билдириш юбориб, текширувлар натижалари бўйича кўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, молиявий санкциялар суммаларини тўлашни олти ой мобайнида тенг улушларда амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Кўчмас мулкни объектлар бўйича ҳисобга қўйиш, мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини топшириш ва уни тўлаш ушбу мулк жойлашган жойда амалга оширилади. Акция солиғи бўйича ҳар ўн кунлик тўлов бекор қилиниб, ўрнига ҳар ойда бир мартаба жорий тўловни амалга ошириш мустақамланди.

Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида белги-ланган вазифалар асосида Солиқ кодексига ўзгаришлар киритилиб, ер солиғи ва ягона ер солиғи тўлови даврийлиги йилига уч мартадан икки мартага қисқартирилди. Яъни, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ушбу солиқларни тўлашда йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи ҳисобот йилининг 1 сентяб-рига қадар, қолган суммаси 1 декаб-рига қадар амалга оширилади.

ЎЗА

Огоҳлик – давр талаби

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиалида шу мавзуда йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларининг эксплуатация ишлари бўйича муҳандислари, ҳисобчилар, почта хавфсизлик хизмати бўлинмаси ходимлари, алоқа бўлимларининг бошлиқлари, филиал бўлим бошлиқлари, вилоят ҳуқуқ-тартибот идораларининг масъул вакиллари иштирок этди.

Тадбирда кейинги йилларда дунёда содир бўлаётган воқеалардан хулоса чиқариб, асосий таҳдид глобаллашув жараёнида ёшларимизнинг онгини заҳарлашга, уларни миллий қадриятларимиздан узоклаштиришга, турли бузғунчилик ва экстремистик ғояларни сингдиришга, ёшларни, фуқароларни турли йўллар билан тўғри йўлдан адаштиришга қаратилган таҳдидлар кўплиги, миллатчилик, диний-этник муросасизлик, терроризм, геосиёсий,

иқтисодий ва бошқа манфаатлар, диний экстремизм каби турли иллатлардан сақланишимиз лозимлиги, ақидапарастларнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезишимиз, англашимиз, доимо огоҳ бўлишимиз барчамизнинг бурчимиз эканлиги қайд этилди.

Ана шундай вазиятларни ҳисобга олган ҳолда, яна ва яна бир бор халқимизнинг маънавий оламини бундай таҳдидлардан асраш, ҳозирги ўта мураккаб бир замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига этиб бориш, улар ҳақида ҳолис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси эканлиги аниқ мисол ва рақамлар билан иштирокчилар эътиборига етказилди.

И.АФТОНДИЛОВ

Ислоҳ КАРИМОВ:

Армияда хизмат қилиш ёш авлодимиз учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, унинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Бундай хизматнинг жозибадорлиги фақат яратиб берилган имтиёзлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан юқори даражада таъминлангани билангина боғлиқ эмас, албатта. Бу, авваламбор, армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатан ҳам мардлик ва мустақам иродани, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабига айлангани билан изоҳланади.

**МУКОФОТЛАР
МУБОРАК БЎЛСИН!**

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг буйруғига кўра, 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ривожланишида хизмат бурчлари ва топшириқларни сидқидилдан бажаргани, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ошириш ва унинг равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатлари учун бир гуруҳ ҳарбийлар соҳанинг идоравий мукофотлари билан тақдирланишди.

Жумладан, "Махсус авария-тиклаш бошқармаси" (15361-ҳарбий қисм) бошлигининг ички масалалар бўйича ўринбосари — моддий таъминот бўлими бошлиғи, майор **Александр Николаевич ШУЛДЫКОВ**, Давлат фелдъегерлик хизмати Самарқанд шаҳар бўлими катта инспектори, майор **Зариф Раббимкулович НАСИРОВ**, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факултети "Ахборот хавфсизлиги ва ахборот технологиялари" кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник **Алишер Абдуллаевич СИДДИКОВ**, Тошкент ахборот технологиялари университети "Ҳарбий" кафедраси техник тайёргарлик цикли ўқитувчиси, майор **Улғабек Рўзимуродович ШАРИПОВ**лар қўмитанинг "ФАҲРИЙ ЁРЛИҒИ" ва "Махсус авария-тиклаш бошқармаси" (15361-ҳарбий қисм) молия-иқтисод бўлими бошлиғи, майор **Даврон Авазович КАРИМОВ** қўмитанинг "ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ" белгиси билан мукофотланишди.

**ДИЙДОР
ТЕЛЕКЎПРИГИ**

Замонавий ахборот технологиялари ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига дадил кириб, мушкуллимизни осон, узоғимизни яқин қилмоқда. Бу ҳолат ёшларни ажаблантирмаслиги табиий. Сабаби, АКТ борасидаги барча янгилликлар ичра ўсиб, тарбия топишяпти улар. Шунинг учун бўлса керак, энди мактаб партасига ўтириб, ўқишни ўрганган болакай ҳам энг замонавий мобил телефонидан бемалол фойдаланиб, ҳатто интернет тармоғига кира олади. Телефондаги ўйинларни юритиш унинг жони-дили.

Лекин бир пайтлар уйларида оддий симли телефони ҳам бўлмаган катта авлод вакиллари учун ахборот технологиялари борасидаги ҳар бир янгиллик катта ҳайратга сабаб бўляпти. Бу ҳолат 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни олдида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да ташкил этилган Телекўприк орқали дийдорлашув тадбири мобайнида яққолроқ намоён бўлди.

Тадбирни очар экан, ҳарбий қисм командири, подполковник Беҳзод Аденов йиғилганларни 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни билан қизгин табриклади. Оилаларга тинчлик-хотиржамлик, аскарларга хизматни аъло даражада ўташларида куч-қувват тилади. Шунингдек, аскарлар ва ота-оналари учун байрамолди мулоқотини ташкил этишда яқиндан ёрдам берган Давлат алоқа қўмитаси раҳбарларига ҳамда "Ўзбек-телеком" АК мутахассисларига миннатдорлик билдирди.

— Бугунги телемулоқот учун ас-

карларимиз ичидан хизматда ва одоб-ахлоқда энг намуналиларини танлаб олдик, — деди Беҳзод Эркабоевич. — Мақсадимиз бошқа аскарларимиз ҳам улар каби олдинги ўринларда бўлишга интилинлар. Бугунгидай телемулоқот-

“

Тадбирда аскарлар беш вилоят — Андижон, Фарғона, Самарқанд, Навоий ва Бухоронинг турли туманларида истиқомат қилувчи ота-оналари, яқин қариндошлари билан телемулоқотда бўлдилар.

”

ларни бундан кейин ҳам давом эттириш ниятидамиз. Тадбирда аскарлар беш вилоят — Андижон, Фарғона, Самарқанд, Навоий ва Бухоронинг турли туманларида истиқомат қилувчи ота-оналари, яқин қариндошлари билан телемулоқотда бўлдилар. Дунёда ҳамма нарсадан дийдор ширин деганларидек, юзмаюз дийдорлашув чоғида қувончдан қалбар энтикиб, чехраларда табассум жилва қилди. Ота-оналар фарзандларидаги ўзгаришни кўриб мамнунликларини яширишмади.

— Ўғлим, ҳарбий қасамёд қабул қилган кунингдан кейин анча бўйинг чўзилиб, жисмонан чиниқибсан, — деди Навоий вилоятдан мулоқотга чиққан Юсуфжон Раҳимов аскарлик кийими қомагига ярашиб турган Умар Ҳасановга. — Бу сен хизмат қилаётган қисмда барча шароитлар муҳайё этилганидан далолат. Республикамиз ҳукумати истиқлолнинг илк йиллариданоқ миллий армиямизни мустақамлашга жиддий эътибор қарата бошлади. Ҳозир сиз хизмат қилаётган қисмда уйингиздагидай шароит яратилган. Энг замонавий технологиялар сизнинг иштирокида. Ўзимиздан чиқ-



қан офицерлар сўнги русумдаги курол-яроғларни ишлатишни, ҳарбий тартиб-қоидаларни ўргатишмоқда. Мен йиғитлик бурчимни Россиянинг энг совуқ вилоятида ўтаганман. Қаҳратон қиш изгиринларига чидашнинг ўзи катта гап эди ўшанда. Уйдагилар билан гаплашиш учун икки-уч кунлаб вақтимиз кетарди. Соҳа раҳбарларига минг раҳматки, сизлар билан катта экран орқали, худди олдимизда тургандай мулоқот қилиб, алп қоматингизни кўриб қувоняпмиз. Болажоним, сени ва сен орқали барча сафдошларингни, сизларга шундай чиройли тарбия бераётган бошлиқларингни Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Бахтимизга юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

— Қаттиққўллик билан берган тарбиянгиз учун сизга минг раҳмат, — деди бухоролик аскар Рустам Бозоров отаси Ўткир Бозоровга. — Бухорода спорт билан жиддий шуғулланишим учун барча шароитни яратган ҳолда менга талабчанлик билан муносабатда бўлдингиз. Сиз ва спортдаги устозларим берган тарбия туфайли ҳарбий хизматни ўташда қийналмаяпман. Бу ерда олий ўқув юртига кириш учун жиддий тайёрланаяпман. Имтиёзли йўлланмани қўлга киритган ҳолда, ТАТУга ўқишга киришга ваъда бераман.

Телемулоқот давомида аскар оналаридан фарғоналик Зебохон Қодирова, самарқандлик Маҳфуза Бектоева, бухоролик Гулчеҳра Кужанова ҳамда Дилором Очиловалар ҳам тадбир ташкилотчиларига ўз ташаккурларини изҳор этишди.

Йиғилганларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси махсус ишлар бўлими бошлиғи Дилшодхўжа Алихўжаев ҳамда ТАТУ махсус факултети ўқитувчиси, адлия майори Гавҳар Исроиловалар ҳам Ватан ҳимоячилари куни билан кутлашди. Тадбирни "Тошкент" телеканали "Интеллектуал аукцион" кўрсатуви бошловчиси Рустам Мирвоҳид чиройли тарзда олиб бориб, эса қоларли бўлишига ўз ҳиссасини қўшди.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Xabar" мухбири



Xalqaro
hayot

ХОРВАТИЯнинг амалдаги президенти Иво Йосипович президентлик сайловларининг иккинчи турида мағлуб бўлди. Республиканинг биринчи аёл президенти мамлакатнинг собиқ ташқи ишлар вазири Колинда Грабар-Китарович бўлди.

Мамлакат сайлов комиссияси эълон қилган натижаларга кўра, Колинда Грабар-Катарович 50,54 фоиз овоз тўплаган. Амалдаги президент Иво Йосипович рақибасидан 1 фоиз кам овоз тўплади. Унга берилган овоз 49,46 фоизни ташкил этди.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ президенти Пак Кин Хэ 1950-1953 йиллардаги Корея уруши оқибатида икки мамлакатда бўлиб қолиб кетган оилаларни февралдаги Ой бўйича янги йилни нишонлаш вақтида учраштиришни таклиф қилди. Шунингдек, Жанубий Корея КХДРга чегарадаги ҳарбий-сизлантирилган ҳудудда биргаликда оркестр мусиқаси концертини ташкиллаштиришни таклиф қилмоқчи. Концерт 15 августда ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу сана иккала Корея ҳам Япониянинг мустамлака бошқаруvidан озод бўлган кун сифатида нишонланади.


АҚШ Мудофаа вазирлиги Европа қитъасида жойлашган 15та ҳарбий базасини ёпмоқчи. Қайд этилишича, бу 500 миллион доллар тежаш имконини беради. Ҳарбий базалар камайиши туфайли Европадаги америкалик ҳарбийлар сони ҳам 2000 кишига қисқаради. Ҳозирда Европада АҚШнинг 74 мингдан ортиқ ҳарбий ва фуқаролик мухтассислари фаолият кўрсатаётгани маълум қилинган.

Пентагон кўп йиллардан буён ҳар йили миллиардлаб долларни тежаб қолиш мақсадида АҚШдаги базаларни ҳам ёпишга ҳаракат қилиб келмоқда. Бироқ, Конгресс кўплаб ҳарбийлар ишсиз қолишдан хавотирланиб бунга қарши чиққан, бунинг ўрнига Европадаги базаларни камайтиришни талаб қилган.

ШОТЛАНДИЯ ҳукумати тиббиёт ходимларининг бирида Эбола касалиги белгилари аниқланганлигини тасдиқлади. Хабар берилишича, бемор Ғарбий Африкада ушбу касалликка чалинганларга ёрдам берган ва юртига қайтгач, унда ҳам вирус аломатлари сезилган. Ҳозирда у Шотландия пойтахти Глазго шаҳридаги Гартнавел шифохонасида даволанмоқда.

СИНГАПУР мудофаа вазири Хуан Юнхун Facebookдаги аккаунтида 2014 йил 28 декабр кuni Ява денгизига кулаган AirAsia авиакомпаниясининг A320-200 самолёти корпуси суратларини эълон қилди. Авиалайнер корпусининг парчалари аввалроқ топилган эди. Қутқарув операцияси раҳбари маршал Суприяди сўзларига кўра, фюзеляж (самолёт корпуси) самолёт думи аниқланган жойдан 1,7 мил шимол-шарқда топилган.

Ҳалокатга учраган аэробуснинг қора қутилари 12 ва 13 январ кунлари сув тубидан чиқарилган ва Жакартага ўқиш учун жўнатилган эди.



GOOGLE:

ЭНГ ЯХШИ 127 АНДРОИД-ИЛОВА

Google корпорацияси, 2014 йил якунларига кўра, ўзининг Android амалий тизими учун энг маъқул 127та илованинг рўйхатини эълон қилди. Албатта, бу нафақат янги йил арафасида биринчи андроид-қурилмасига эга бўлганлар, балки тахрибали

фойдаланувчилар учун ҳам ажойиб совға бўлиши шубҳасиз.

Рўйхатга унча оммалашмаган, ammo жуда истиқболли айрим иловалар ҳам киритилган. Энг муҳими, уларнинг аксарияти бепул.

Агарда Google Play тизимига

Android-илловалар
(ТОП-10)

1. Umano: Listen to News Articles
2. Pushbullet
3. Pho.to Lab
4. Flipboard
5. Bright Weather
6. Camly
7. Evernote
8. SoundCloud
9. Shazam
10. We Heart It



миллиондан ортиқ илова киритилганини назарда тутсак, рос-такамга "пичоққа илинадиганлари"ни топиш осон иш эмас. Демак, 127та илова билан қуйидаги манзилда тўлиқ танишиши мумкин: https://play.google.com/store/apps/collection/promotion_3000ebe_musthaveapps.

TOSHIBA: тасвирлар янада ЖОНЛИ



Япониянинг Toshiba компанияси махсус кўзойнақларсиз ҳам фойдаланиш мумкин бўлган юқори тиникликдаги 3D-дисплейни тақдимотини ўтказди.

Тақдимотга қўйилган GRIN (GRadiant-INdex) экран диагонали 15 дюймли бўлиб, 3840X2160 пикселлик (Ultra HD, 4K) тасвирни намойиш эта олади.

Келгусида турли соҳалар — мобил қурилмалардан тортиб тиббиёт ускуналаригача ҳар хил ўлчамдаги GRIN-дисплейларни чиқариш мўлжалланган.

QISQA SATRLARDA

● Forrester: 2015 йили корпоратив дастурий таъминот учун умумжаҳон харажатлари 620 млрд. долларни ташкил этади.

Ахборот технологиялари энг кўп сармоя йўналтираётган АҚШ қаторида бу йил Хитой, Ҳиндистон ва Буюк Британияни санаб ўтиш мумкин.

● HTC компанияси охириги уч йилда илк бора чоракни фойда билан якунлади. Ўтган йилнинг IV чорағида компания савдо кўрсаткичлари 47,9 млрд. тайван доллари (1,5 млрд. АҚШ доллари)ни ташкил этди ва 14,7 млн. АҚШ доллари кўринишида соф фойдага эришди.

Компания ўрта тоифага мансуб смартфонларни сотиш эвазига шу натижаларни қўлга киритди.

● Глобал тармоқда Microsoft компанияси Spartan деб номланган янги браузер устида иш олиб бораётганлиги ҳақидаги хабарлар пайдо бўлди. Жумладан, ZDNet интернет-нашрининг хабарларига кўра, Spartan жуда юқори тезлиги билан ажралиб туради ва кўринишдан анча оммалашган Firefox ҳамда Chrome браузерларига ўхшаб кетади.

● Digitimes Research: 2014 йил якунига келиб, жаҳон бозорига етказиб берилган суюқ-кристалл экранли телевизорлар сони 223 млн.тани ташкил этди ва 2013 йилги кўрсаткич 7 фоизга яхшиланди.

Жорий йилда 239-240 млн.та атрофида шу тоифадаги телевизорлар сотилиши кутиляпти.

● Google корпорацияси жонли тилни бир тилдан иккинчисига синхрон таржима қилувчи сервис устида иш олиб борапти.

Худди шунга ўхшаш Skype Translator деб номланган бошқа бир сервис эса Microsoft компанияси томонидан ёпиқ бета-синновдан ўтказилмоқда.

● "Касперский лабораторияси" ўтган йилги ахборот хуружлари ҳамда амалдаги йилга доир прогнозларини маълум қилди. Унга кўра, ўтган йили компания антивируслари фойдаланувчиларнинг компьютер ва мобил қурилмаларига уюштирилган 6 млрд.дан ортиқ киберхужумни бартараф этган. Мураккаб мақсадли хужумлар остида қолган компаниялар сони эса ўтган йил давомида 2,4 бараварга кўпайган.

С.ТЕМИРОВ тайёрлади



ИШ БОШЛАНДИ,

АММО ҲАММАСИ ОЛДИНДА

◀ 1-бет

Марказ ҳақида

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази давлат муассасаси шаклида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 сентябрдаги қарори ва Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 19 сентябрдаги буйруғи асосида ташкил этилган.

Марказда ҳозирда 80дан ортиқ киши фаолият юритмоқда.

Марказнинг фаолияти билан давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда давлат маҳаллий ҳокимлик органлари, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолини таъминлаш, улар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйиш мақсадида веб-сайти (www.infosec.uz) яратилган. Сайтдан марказ ҳақидаги маълумотлар, янгиликлар, бепул дастурий маҳсулотлар, UZ. домендаги фаол заифликлар, интернет фойдаланувчилари учун қайта алоқа, ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид саволларга жавоблар ва бошқа маълумотлар ўрин олган.

Фаолият сарҳисоби

Марказ томонидан фаолият бошлаганидан буён интернет тармоғидаги ресурсларни таҳлил қилиш, айрим ёвуз ниятли фойдаланувчиларнинг руҳсатсиз киришлари ва ахборот ўғирликларининг олдини олиш, тармоқдаги маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш, содир бўладиган ҳодисаларга қарши курашиш ва уларни тезда бартараф этиш бўйича бир нечта ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Республикаимизнинг давлат органлари ҳамда давлат тасарруфидаги корхона ва ташкилотларнинг 116та веб-сайти хавфсизлик ҳамда заифлиги бўйича текширилиб, улардан 25тасида бу борада камчиликлар мавжудлиги аниқланди ва бу ҳақида ҳисобот тайёрланиб, Давлат алоқа қўмитасига тақдим қилинди.

Марказ томонидан интернет-маданиятни ривожлантириш бўйича ишларга ҳам катта ургу берилляпти. Жумладан, Ўзбекистон

"Адолат" СДП ва бошқа ижтимоий ҳамкорлар билан Фарғона ва Самарқанд вилоятларида ўтказилган давра суҳбатларида марказ ходимлари ҳам интернет-маданиятнинг аҳамияти ва уни ривожлантиришга доир маърузалари билан иштирок этишди.

Шу билан бирга, марказ ҳамда "Маданият ва маърифат" телеканали ижодий гуруҳи ҳамкорлигида интернетдан фойдаланиш маданиятига оид икки қисмдан иборат "Мезон" номлик ўрсатув тайёрланиб, эфирга узатилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда чоп этилаётган нашрларда марказ ходимларининг интернет-маданият мавзусидаги мақолалари мунтазам бериб бориляпти.

Марказ фаолияти билан доимий равишда кенг оммани хабардор қилиб бориш, вазирилик ва идоралар, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ташкилотлари ҳамда ихтисослаштирилган таркибий бўлинмалар билан ҳамкорликни ривожлантириш, ходимларнинг ахборот-телекоммуникация технологиялари соҳасида малакасини ошириш борасида ҳам бир қатор кўзга кўринарли ишларга қўл урилди. Жумладан, 2014 йил 24 мартдан 12 апрелгача Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали магистрантлари, 25 апрелда "Ташки иқтисодий фаолият соҳасида кадрлар малакасини ошириш" давлат корхонаси ходимлари, 2—28 июн кунлари Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасининг барча вилоятларидаги бўлинмалари ходимлари учун ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир ўқув семинарлари ўтказилди.

Хизматлар

Марказ мутахассислари томонидан тегишли ташкилотлар ходимлари билан биргаликда республика бўйлаб 30дан ортиқ вазирилик ва давлат идораларида ахборот хавфсизлиги ҳолатлари ўрганиб чиқилди. Уларнинг натижалари асосида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, тақдим қилинди.

Бундан ташқари, бта давлат идорасида ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ ахборот тизимлари экспертизадан ўтказилди ва бир нечта ташкилот марказга экспертиза ўтказиб бериш сўрови билан мурожаат йўллаган.

Халқаро майдонда

Ахборот хавфсизлигига таҳдидлар чегара билмаслиги билан ҳам ўта долзарб бўлиб, соҳамиз мутахассисларидан ўта ҳушёрлик ва катта масъулият талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида, бу турдаги жиноятчиликка қарши курашишда халқаро майдонга чиқиш, хориждаги ташкилотлар билан мустаҳкам ва ишончли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш заруратини келтириб чиқаради. Шу сабабли ҳам марказ соҳага ихтисослашган хорижий ва халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкор-

лик олиб бормоқда. Жумладан, Корея Интернет ва хавфсизлик агентлиги (KISA), Кибертаҳдидларга қарши кўптомонлама ҳамкорлик ташкилоти (IMPACT) ва бошқа бир қанча давлатлардаги компьютер ҳодисаларига қарши чора кўриш гуруҳлари (CERT) билан ҳамкорлик ўрнатилляпти.

Хусусан, ўтган йилнинг 16 июн куни Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ҳамда Корея Республикасининг Интернет ва хавфсизлик бўйича агентлиги (KISA) ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди ва мазкур ҳужжат асосида марказимизнинг 15 нафар ходими ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тажриба билан таъминлаш мақсадида Корея Республикасида бўлиб қайтдилар.

Бундан ташқари, марказ Сингапур, Ҳиндистон ва Қозоғистондаги ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ташкилотлар билан халқаро ҳамкорлик ҳужжатларини имзолаши кутилмоқда.

Маънавий таянч

Қисқа фаолият даврида марказ маънавий-маърифий чора-тадбирларни амалга оширишда ўзига хос тажриба орттирди. Чунончи, ўтган 2014 йилнинг апрел ойида ходимларимиз учун Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида қўрилган масалалар мавзусида, июнда "Оммавий маданият — миллат кушандаси", августда "Мустақиллик — энг азиз неъмат!", октябрда "Тил — миллат кўзгуси", декабрда "Конституция — демократик давлат асоси" мавзусида семинарлар ўтказилди. Спорт мусобақалари ҳам фаолиятимиз безагига айланган: теннис, шахмат ва шашка бўйича беллашувларда ходимларимиз ўз маҳоратларини намоиш этишдан ташқари, голиб ва совриндорлар марказнинг мукофотларини ҳам қўлга киритдилар.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан соҳага қўшган муносиб ҳисса-си учун марказнинг икки нафар ходими Давлат алоқа қўмитасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Режага кўра

Марказ, қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўз зиммасидаги вазифаларни тўлақонли амалга ошириб боради. Хорижий ташкилотлар билан ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро ҳамкорликни кучайтиришга катта эътибор қаратилади. Олдимизда турган яна бир асосий лойиҳалардан бири бу — давлат идоралари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини экспертизадан ўтказишда фойдаланиш учун махсус лаборатория ташкил этиш бўлиб, унинг ишга тушиши фаолиятимиз самарадорлигини янада ошириши кутиляпти.

Лазиз БҮРОНОВ,
Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ходими

“ Ҳозирга қадар республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, корхона-ташкилот ва шахсий веб-сайтларда 171та ҳодиса аниқланган. Шунингдек, мазкур зонада 72та заифлик мавжудлиги юзга чиқди. ”

”

"Artel" компанияси аёллар учун мўлжалланган Artel Anor смартфонини тақдим этди.

Праздничное мероприятие

В Государственном комитете связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан состоялось праздничное мероприятие, посвященное Дню защитников Родины.

На мероприятии было отмечено, что последовательные реформы по повышению оборонной мощи, обеспечению неприкосновенности границ нашей Родины, проводимые под руководством Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова служат важным фактором мирной, спокойной жизни граждан и развития общества.

В своем Праздничном поздравлении защитникам Родины по случаю 23-летия образования Вооруженных Сил Республики Узбекистан И.Каримов отметил, что непрерывная работа по совершенствованию системы подготовки военных кадров в Академии

Вооруженных Сил, военных училищах и школах подготовки сержантов на основе новейших методик, обеспечивающих внедрение в процесс обучения инновационных форм и методов преподавания с использованием современных достижений в области передовых информационно-коммуникационных технологий, безусловно имеет актуальное значение.

На мероприятии также было отмечено, что в обеспечении прав и интересов человека, дальнейшем повышении благополучия населения и защите мира в стране наряду с представителями других сфер особое место занимают и специалисты сферы связи, информатизации и телекоммуникационных технологий.

Внедрение ИКТ

в деятельность "Узархив"

улучшает скорость обслуживания на 50%

В Центральном государственном архиве научно-технических и медицинской документации Республики Узбекистан внедрили новый программный продукт.

В целях внедрения информационно-коммуникационных технологий и дальнейшего развития компьютеризации в архивной деятельности разработано программное обеспечение, которое позволяет автоматизировать процесс поиска необходимых документов находящихся в хранилищах данного архива, сообщает информационная служба агентства "Узархив".

Программа дает всю необходимую информацию, которая позволяет иметь представление в каком хранилище, стеллаже, ряду, полке и в какой коробке находится необходимый сотруднику документ.

Этот программный продукт увеличит эффективность работы обслуживания граждан более чем на 50%.

ictnews.uz

Встречи

руководителей и специалистов ИТ-компаний со студентами и преподавателями университета ИНХА становятся традиционными

10 января в университете ИНХА состоялась еще одна встреча руководителей и специалистов отечественных ИТ-компаний с руководством, преподавателями и студентами нового университета ИНХА в Ташкенте. Главной темой этой встречи были вопросы написания ТЗ (технического задания) при создании программных продуктов.

Как сообщает на своей странице в фейсбуке ректор университета ИНХА в Ташкенте Шерзод Шерматов: "Очередная встреча с ИТ-компаниями и предпринимателями прошла успешно. Надеюсь, она была интересна и полезна для наших студентов. Каждый из выступающих хотел переубедить аудиторию в правильности своей точки зрения, рассказывая свои убедительные аргументы. Именно различные подходы к понятию сути вопроса и решению проблем будет стимулировать наших студентов мыслить более шире и не принимать, все что им говорится или написано в книгах, как истину в последней инстанции".

infocom.uz



Африси

Правдивость речи хороша и гладкость,
Но как прекрасна слов правдивых краткость

Алишер НАВОИ

6-8 января 2015 года в Ташкенте прошел семинар-тренинг на тему "Методика и руководство расчета стоимости проектов по информатизации Республики Корея" с участием профессоров университета Чунъанг (Корея).

В Ташкенте прошел семинар-тренинг

по вопросам расчета стоимости проектов по информатизации

Организатором семинар-тренинга выступил Центр развития системы "Электронное правительство" в сотрудничестве с Национальным агентством Республики Корея по вопросам информатизации общества (NIA).

В мероприятии приняли участие более 40 представителей министерств и ведомств, подведомственных организаций Государственного комитета связи, информатизации и телекоммуникационных технологий, компаний-разработчиков.

В семинаре-тренинге участники ознакомились с методами расчета стоимости разработки программного обеспечения на основе метода функциональных точек (function points method) и планированием информационной стратегии (consulting coefficient method) Республики Корея.

Участникам была представлена возможность ознакомиться с методом расчета стоимости эксплуатации и технической поддержки информационной системы. В частности, обсуждались метод про-

центного расчета (rate method) и расчета расходов на заработную плату и использованных трудовых ресурсов (labor amount method).

Было рассказано о методах расчета стоимости экспертизы информационной системы (information system audit cost standard) и создания базы данных, включая расходы на оцифровку современных и редких печатных изданий.

В ходе семинара, специалисты "Узалоконсалтинг" выступили с презентацией на тему "Примененная модель расчета стоимости информационных систем, реализуемых Госкомсвязи в рамках системы "Электронное правительство", в которой рассказали о своей практике расчета стоимости разработки информационных систем (ПТЭО, ПТЭР).

По итогам семинара будут разработаны предложения рекомендательного характера для совершенствования национальных методик оценки стоимости разработки информационных систем в Республике Узбекистан.

ccitt.uz

Самый лучший читатель

В преддверии широко отмечаемого в нашей стране Дня защитников Родины информационно-библиотечный центр имени А.С.Термизи и информационно-ресурсные центры воинских частей Сурхандарьинской области при поддержке молодежного движения "Камолот" организовали в Термезском доме офицеров конкурс "Самый лучший читатель" среди солдат воинских частей Сурхандарьинской области.

В первом туре конкурса каждый участник рассказывал членам жюри и зрителям о себе в виде самосочиненных стихов в которые входили часть биографии участника или песни переделанных под себя.

Во втором туре участникам пришлось участвовать в интеллектуальной викторине, каждый участник выбрал конверт с вопросами со стола жюри в котором были по три вопроса по разным темам. Первый был связан с узбекской литературой, второй по библиотечным терминам и третий по идеи и идеологии Узбекистана.

Третий тур — Творческий конкурс "Свободная тема". Участникам была предоставлена возможность раскрыть свои творческие способности и таланты, показать свой мир увлечений.

По итогам проведения трёх этапов конкурса победителями, набравшими наибольшее количество баллов, стали:

1-место. Сардор Эрмухаммедов — солдат в/ч 44278.

2-место. Дониёр Ибрагимов — солдат в/ч 11130.

3-место. Исмоил Рахмонов — солдат в/ч 18299 и солдат в/ч 36691 Худёр Аевзов.

По итогам конкурса всем участникам вручили дипломы и призы от молодежной организации "Камолот", а победителям конкурса были вручены дипломы а также отдельными призами от "Камолот" и информационно-библиотечного центра имени А.С.Термизи Сурхандарьинской области.

Е.УСМАНОВА,
заведующая научно-методического отдела ИБЦ

Хабарлар +tv

ДУШАНБА — 19 ЯНВАР

НТВ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Чемпионлик орусин".
7.30 "Замин гаройиботлари". Х/ф.
8.00 Таҳлилийнома.
8.40 Тинч океани". Х/ф.
9.30 "Уминбахш кун". В/ф.
10.15 "Ўқидим".
10.20 "Ҳушсуноқ". Т/с.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Ватанпарвар".
11.55 "Ўқидим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Комиссар Рекс". Т/с.
13.50 "Табият китоби".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Эф" студияси: "Этиқод мухталиқлиги ёзилди".
14.45 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
15.25 "Ер сайёраси". Х/ф.
15.50 "Визимдам". Интеллектуал танилов.
16.40 "Орган - дарё".
17.00 "Ахборот".
17.20 "Субботаюш".
17.30 "Алғолам".
17.40 "Қорчиқ".
17.40 "Кўнги қўнқ истайд".
18.15 "Ўқидим".
18.20 "Ўлкомнинг".
18.40 "Доктор Хаёв". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эфирнолар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 Миллий сериал: "Опа - сингаллар". 2-Фасл.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат".
22.20 "Кўнги қўнқ истайд".
22.30 - 00.15 "Сизга мактуб". Б/ф.
00.15 "Ўқидим".
00.20 Миллий сериал: "Опа-сингаллар".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
2.10 "Шарқ тароналари".
2.20 ТелеЛеатр: "Олтин дасвор", 1-қисм.
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орусин".
5.10 - 5.55 "Ватанпарвар".

1.50 "Навоий набиралари".
2.20 "Таронин".
3.10 "Қанзақ Иззурат". Т/с.
3.50 "Афсона ва ҳақиқат".
4.40 "Доктор Қуни". Т/с.
5.30-6.00 "Давр".

5.55 "Ягонасан, мукдадас Ватаним!"
6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 2.00.
"Ройтақ".
6.25 Миллий сериал: "Ҳаёт жилайлари", 6-қисм.
7.00 "Тошкент вақти".
7.50 "Суратларга ҳаёт акси".
7.55 "Пойтахт шаарлари".
8.20 "Ишга марҳамат!".
8.25 Тошкент тароналари.
8.35 "Пойтахт-эко".
8.45 "Мисли гапдор".
9.05 "Лус Мария". Т/с. 26-қисм.
9.50 "Ройтақ-спот".
10.00, 14.00, 22.00. "Пойтахт" /рус тилида/.
10.20 "Человек, который изменил всё". Х/ф.
12.10 "Снежный король". Д/ф.
15.00 "Тошкент вақти".
13.50 "Ройтақ-репортаж".
14.10 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
14.40 "Ҳолис назар".
15.00 "Royalet-biznes".
15.10 "Уғай она". Т/с. 120 -қисм. /Якуловчи/.
15.30 "Ройтақ-авто".
16.10 "Башират". Б/ф.
17.35 "Бахт қўрғони".
18.25 "Ҳимоя".
18.35 "Ройтақ-intervyu".
18.45 "Лус Мария". Т/с. /Премьера/.
27-қисм.
19.30 Тошкент тароналари.
19.40 "Теле-маркет".
19.50 "Суратларга ҳаёт акси".
19.55 "Миллий нахшани".
20.00 "Ройтақ! леув".
20.25 "Ўнгитком". Т/с. /Премьера/.
1-қисм.
21.15 "Пойтахт ёзуллари".
21.35 "Ройтақ-эко".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Боёр". Х/ф.
23.40 "Фил ва тароқийт".
00.05 "Шаг ва шатом".
00.35 "Пойтахт ёзуллари".
1.00 "Ройтақ-эко".
1.10 "Снежный король". Д/ф.
2.20 "Малкинани қундалиқлари". Б/ф.
4.00 Тошкент вақти".
4.05 "Sport Metro".
4.30 "Экспресс".
5.40 "Эртаник эгалари".

6.00 "Ҳайри тонг".
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қорақалпоқ спорти".
6.25 АНОНС.
6.30 "Экспресс".
6.50 АНОНС.
7.00 "SPORT-EXPRESS".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 "Sport Metro".
8.35 ФУТБОЛ. ОСИЕ КУБОГИ.
10.15 "Шоҳсулага яш".
11.00 "SPORT REPORT".
11.10 АНОНС.
11.15 БУТБОЛ. Жаҳон кубоги.
11.55 АНОНС.
12.00 ФУТБОЛ АФРИКА МИЛЛАТЛАР КУБОГИ. БУРКИНА-ФАСО - ГАБОН.
13.45 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.50 ФУТБОЛ. ОСИЕ КУБОГИ. ЭРОН-БАА. ТУҒРИДАН-ТУҒРИ

ОЛИБ КўРСАТИЛАДИ. Танаффус ХАБАРЛАР.
15.55 АНОНС.
16.00 "Экспресс".
16.10 АНОНС.
16.15 ФУТБОЛ. ОСИЕ КУБОГИ.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Спорт сайёраси".
18.20 "Техно-спорт".
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 "Болалар спорти".
19.15 АНОНС.
19.20 Теннис Австралия очиқ чемпионати.
20.30 АНОНС.
20.35 "Футбол шаҳри".
21.25 "СПОРТ-МАРКЕТ".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 "Sport Metro".
21.55 ФУТБОЛ АФРИКА МИЛЛАТЛАР КУБОГИ.
23.35 "Техно-спорт".
23.45 АНОНС.
23.50 "SPORT REPORT".
00.00 АНОНС.
00.05 Профессионал бокс.
00.55 АНОНС.
1.00 ХАБАРЛАР.
2.00 АНОНС.
1.25 ФУТБОЛ. ОСИЕ КУБОГИ. ЭРОН-БАА.
3.05 АНОНС.
3.10 Баскетбол.
4.10 - 6.00 Жаҳон кубокларида: Тоғ чаниси. Чанги пойласи.

04.00 Телеканал "Доброе утро".
07.00, 08.00, 11.00, 14.00, 02.00.
Новости
07.05 "Поле чудес"
08.10 Контрольная закупка
08.35 "Жить здорово!"
09.35 Модный приговор
10.30 Фазела
11.15 "Сегодня вечером"
13.00 Смык
13.35 Контрольная закупка
14.20 "Сколько стоит бросить карту?"
15.15 "Мужское/Женское"
16.10, 00.50 "Наедине со всеми"
17.00 Вечерние новости
18.00 "Давая поженимся!"
19.30 "Пусть говорят"
20.00 "Время"
20.20 Т/С "Мояга"
22.30 Ночные новости
23.05 Т/С "Однолюбов"
00.00 "Время покажет"
01.35 Модный приговор
02.05 Модный приговор.
Продолжение.
02.45 "Сколько стоит бросить карту?"

РОССИЯ 1

05.00 "Утро России".
09.00, 02.55 "Еж против свастики".
09.55 "О самом главном". Ток-шоу.
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
11.55 Т/с "Тайны следствия".
12.55 "Общая терапия".
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с "Сердце звезды".
16.00 Т/с "Последний вынхач".
17.00 Т/с "Большое родствоиники".
18.30 "Прямой эфир".
20.50 "Спокойной ночи, малыши!".
21.00 Т/с "Коспак".
22.40 "Дежурный по стране".
23.00 "Миллиард Живущий".
00.40 Х/ф "Возвращение Буддыла".
03.55 "Комната смеха".

05.00 НТВ утром
07.30 Добра вичер
08.25, 09.30 Т/с "Возращение Мухтара"
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня
10.55 Сул присяжаны
12.20 Сул присяжаны. Окончательный вердикт.
13.30 Чрезвычайное происшествие
14.00 Прокурорская проверка
15.20 Т/с "Улицы разбитых фонарей"
17.00 Говорим и показываем
18.45 Т/с "Свет и тень мажста"
21.40, 04.15 Анатомиа дия
22.30 Т/с "Пятнички"
00.30 Точка неозората
01.30 Дикий мир
01.55 Т/с "Шериф"
03.30 Т/с "Супруги"

РОССИЯ 2

07.00 Телеканал "Евроноас"
10.00, 15.00, 19.00, 23.40 Новости культуры
10.15 "Наблюдатель".
11.15 Т/с "Расследование комиссара Мегрэ"
12.00 Праздники.
12.30 Д/ф "Вениами Радомысленский"
13.10 Липия жизни.
14.00 Д/ф "Вальсарисо"
14.15 Д/ф "Лицо дворянского происхождения"
15.10 Х/ф "Остановилась поезда"
16.40 Острова
17.20 Д/ф "Там, где течет Иордан"
17.45 Д/ф "Александр Дмитриев"
18.10 "Политик"
19.15 Главная роль
19.30 "Сати".
20.10 "Правила жизни"
20.50 "Спокойной ночи, малыши!"
20.50 Д/ф "Георгий Костак"
11.55 Тем временем"
22.25 Д/ф "Сквозь кровотую нору с Морганом Фриномом"
23.10 "Люди. Опера. Жизнь"
00.00 "Жан Ренуар"
00.40 "Джамирокуви"
01.40 Т/с "Петербургские тайны"
02.40 Pro memora

СТС

04.00 Мультисериял
06.00 09.30 15.00 "Вороники"
06.30 "Нереальная история"
Сатирический альманах
08.30 17.00 "Ангелика"
12.00 "Итого"
14.40 22.00 "6 кадров"
16.00 "Последний из Магикки"
18.00 "Кухня"
19.00 "Последний отпуск"
21.05 Шоу "Уральских пельменей". Тень знаний. Часть 1"
22.30 "Кино в деталях".
23.30 "Книга жульнист" Приключенческий фильм

ТВ3

06.00, 05.45 Мультифильм
09.30 Д/ф "Пророки научной фантастики"
13.00 Д/ф "Горокские легенды"
16.00, 14.30 Д/ф "Фэтизики за приключениями"
15.05 "Мистические истории"
16.00, 16.30 Д/ф "Галатка"
17.00, 17.30 Т/с "Слепая"
18.00, 00.45 "Х-Версики. Другое название: "Кино в деталях".
18.30 Т/с "Пятая страха"
19.30, 20.20 Т/с "Следствие по телу"
21.15, 22.05 Т/с "Менталитет"
23.00 Х/ф "Ночной режис"
01.15 Х/ф "Аппалуза"
03.30 Х/ф "Идеальное убийство"

6.00 "Ватан меҳри".
6.30 "Аранчиқ". Т/с.
7.00 "Қанзақ Иззурат". Т/с.
7.40 "Ешиқ навоилари".
8.00 "Испани афсона". Т/с.
9.20 "Ватан - узун, бурчим мукдадас".
9.50 "UzEX".
10.00 "Қамолот-инфо".
10.10 "Атлантис". Т/с.
11.40 "Мужжизанй дуне".
12.10 "Салтанат сирлари". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Доктор Қуни". Т/с.
14.00 "Қишлоқдаги тенгшони".
14.40 "Уёқ алабиты".
15.50 "Афсона ва ҳақиқат".
16.00 "Давр".
16.10 "Абсургар". Т/с.
17.00 "Қамолот-инфо".
17.10 "Автопарул".
17.30 "Ушатианй Яқутиш". Б/ф. 1-қисм.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Қиш сонатеси". Т/с.
20.30 "Суз ешадар".
20.50 "Ешиқ навоилари".
21.10 "Салтанат сирлари". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Янги дуне". Т/с.
22.40 "Мужжизанй дуне".
00.10 "Илком қанлотлари".

ОРАДИО

- 5.55 Қўрастулар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Чемпионлик ордени".
7.30 "Замин таройиботлари". Х/ф.
8.00 "Азборот".
8.35 "Тинг океан!". Х/ф.
9.25 "Сўбатдош".
9.35 "Иқлим".
9.40 "Оши суи".
10.20 "Рухшун". Т/с.
11.00 "Азборот".
11.10 Миллий сериал: "Опасниликлар".
11.55 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Комиссар Реке". Т/с.
13.50 "Табиат китоби".
14.00 "Азборот".
14.15 "Менинг бошим".
14.35 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
15.15 "Иқлим".
15.35 "Ер сайёраси". Х/ф.
16.00 "Текор хабарлар".
16.10 "Боғаро".
16.30 "Азборот" /инглиз/.
16.40 "Қорчиқ".
16.40 "Азборот".
17.10 "Тараққиёт таянчи".
17.25 "Қадрининг бирдаси".
17.40 2015 йил - "Кексаларни ёқолаш йили", "Эъоз".
18.00 "Қўнғил қўнқил истади".
18.10 "Электр нураири". Х/ф.
Премьера.
18.40 "Доктор Хаус". Т/с.
19.25 20.00, 20.55 Эфирлар.
19.30 "Азборот" /рус/.
20.05 Миллий сериал: "Опасниликлар".
21.00 "Азборот".
21.40 "Устуроб".
22.00 "Қўнғил қўнқил истади".
22.15 - 00.05 "Амежан". Б/ф.
00.05 "Эъоз".
20.00 Миллий сериал: "Опасниликлар".
1.00 "Азборот" /рус/.
1.30 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
2.10 "Шарқ тароналари".
2.20 ТелеТеатр: "Олтин девор". 2-қисм.
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Азборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик ордени".
5.10 "Менинг бошим".
5.30 "Иқлим".
5.35 - 5.55 "Устуроб".



- 6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Тариниқ".
7.00 "Қаниқаз Иззура". Т/с.
7.40 "Ёшлик новолари".
8.00 "Испан афсонаси". Т/с.
9.10 "Ихлом қанотлари".
9.50 "ЎзЕХ".
10.00 "Давр".
10.10 "Атлантида". Т/с.
11.40 "Мужажизий дунё".
12.10 "Салтанат сиратари". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Доктор Қуини". Т/с.
14.00 "Ватанпарвар".
14.40 "Ўзбек алфити".
15.00 "Афсона ва ҳақиқат".
15.50 "ЎзЕХ".
16.00 "Давр".
16.10 "Афсуслар". Т/с.
17.00 "Боғлар спорти".
17.10 "Сўз ёшларга".
17.30 "Ўзгичини йўқотиш". Б/ф. 2-қисм.
18.50 "ЎзЕХ".
19.00 "Давр".
19.30 "Қизи сонатаси". Т/с.
20.00 "Эъоз ва эҳтиром".

- 20.50 "Ёшлик новолари".
21.10 "Салтанат сиратари". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Янги дунё". Т/с.
23.20 "Муҳажирини дунё".
00.10 "Секретар қўлар".
1.40 "Ватанпарвар".
2.20 "Тариниқ".
3.10 "Қаниқаз Иззура". Т/с.
3.50 "Афсона ва ҳақиқат".
4.40 "Доктор Қуини". Т/с.
5.30-6.00 "Давр".


КОММЕНТ

- 5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 2.00 "Роуах".
6.25 Миллий сериал: "Ҳаёт жиддалари". 7-қисм.
7.00 "Тошкент вақти".
7.50 "Суратлари ҳаёт акси".
7.55 "Пойтахт шаарлар".
8.20 "Ишга марҳамат".
8.25 "Тошкент тароналари".
8.35 "Роуах-еко".
8.45 "Профессионал".
9.05 "Ўш Мария". Т/с. 27-қисм.
9.50 "Роуах-спорт".
10.00 "Ro'yatki news".
10.20 "Диван река". Х/ф.
12.10 "Кругосветное плавание". Д/ф.
13.00 "Тошкент вақти".
13.50 "Ro'yatki-integru".
14.00, 22.00 "Пойтахт" /рус тилида/.
14.10 "Эртани эгалари".
14.30 "Қўнғил ҳайратлари".
15.00 "Ro'yatki-biznes".
15.10 "Иттиқом". Т/с. 1-қисм.
15.50 "Пойтахт-Hi-tech".
16.10 "Момоқадирроқ булган кун".
Б/ф.
17.45 "Қаир ортла".
18.25 "Тошкентнинг илм масканлари".
18.45 "Ўш Мария". Т/с. /Премьера/.
19.30 "Тошкент тароналари".
19.40 "Теле-маркет".
19.50 "Суратлари ҳаёт акси".
19.55 "Навоий максими".
20.25 "Иттиқом". Т/с. /Премьера/. 2-қисм.
21.15 "Телегаҳил".
21.35 "Ro'yatki-madaniyat".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Диванл носит прадо". Х/ф.
00.05 "Дастур асоси".
00.35 "Диванлий" тележурнали.
1.00 "Ro'yatki-madaniyat".
1.10 "Кругосветное плавание". Д/ф.
2.20 "Бағлар". Б/ф.
3.40 "Телегаҳил".
4.00 "Тошкент вақти".
4.50 "Дунё" теледустури.
5.40 "Профессионал".

SPORT

- 6.00 "Ҳайран тонг".
6.05 Қўрастулар тартиби.
6.10 "Ордулар кимаси".
6.35 "Матонат".
7.00 "SPORT-EXPRESS".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 "Sport Meteo".
8.15 Бизнинг Жаҳон кубоги.
9.00 ТЕННИС АВСТРАЛИЯ ОЧИК ЧЕМПИОНАТИ, ТУРФИДАН-ТУРФИЛИБ КУРСАТИЛАДИ.
11.50 "SPORT REPORT".
11.10 АНОНС.
11.15 "Футбол шарқи".
12.05 АНОНС.
12.10 ФУТБОЛ АФРИКА МИЛЛАТЛАР КУБОГИ.
13.50 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.55 ФУТБОЛ ОСИЕ КУБОГИ.
ЯПОНИЯ - ИОРЛАНИЯ
ТУРФИДАН-ТУРФИЛИБ КУРСАТИЛАДИ.
15.55 АНОНС.
16.00 "Биласизми?"


- 16.05 АНОНС.
16.10 ФУТБОЛ ОСИЕ КУБОГИ.
17.35 Қўрастулар тартиби.
18.00 "Спорт сайёраси".
18.15 "Теле-спорт".
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.30 АНОНС.
18.55 "Ифтихоримсан, спорт!".
19.10 ФУТБОЛ АФРИКА МИЛЛАТЛАР КУБОГИ.
20.50 "RING".
21.35 "SPORT-МАРКЕТ".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 "Sport Meteo".
21.55 ФУТБОЛ ОСИЕ КУБОГИ.
23.35 "Теле-спорт".
23.45 АНОНС.
23.50 "SPORT REPORT".
00.00 АНОНС.
00.05 Баскетбол.
1.25 АНОНС.
1.30 ХАБАРЛАР.
1.50 АНОНС.
1.55 Жаҳон кубоклари.
Тоғчинос, Чанга пойғаси.
3.55 АНОНС.
10.30, 00.30 X/ф "Пыльная работа"
12.15 "Эволюция"

13.45, 18.00, 23.15
Большой спорт
14.05 Т/с "Котовский"
17.30, 05.00 "Полигон".
Зубр
18.20 Биатлон. Кубок мира. Спринт. Женщины. Прямая трансляция из Италии
19.45 Т/с "Позывной "Стая". Кулон Атлантов"
21.30 Т/с "Позывной "Стая". Восток - дело тонкое"
23.35 "Восход Победы.
Разгром германских союзников"
02.10 "Эволюция"
03.35 "Как оно есть".
Соль
04.30 "Полигон".
Артиллерия Балтики
05.30 "Рейтинг Баженова". Могло быть хуже
06.00 Смешанные единоборства.

Шанба

09.00 Панорама дня.
LIVE
10.30 "Диалоги о рыбалке"
11.00 "Наука на колесах"
11.30 "Трон"
12.00 X/ф "Летучий отряд"
13.45, 16.55, 18.40,
02.50 Большой спорт
13.50 "Задай вопрос министру"
14.30 "Непростые вещи". Пластиковый стаканчик
15.00 X/ф "Гитлер капут!"
17.20 Биатлон.
18.10 "24 кадра"
18.50 "Биатлон с Дмитрием Губерниевым"
19.20 Биатлон. Кубок мира. Гонка преследования. Женщины.
Прямая трансляция из Италии

20.10 X/ф "След Пираний"
23.30 Т/с "Позывной "Стая". Кулон Атлантов"
01.20 Биатлон. Кубок мира. Трансляция из Италии
03.10 "Основной элемент". Выжить в океане
03.35 "Основной элемент". Кинореволюция
04.35 "Человек мира". Венгерский разговорник
06.00 Смешанные единоборства

Якшанба

09.00 Панорама дня.
LIVE
10.30 "Моя рыбалка"
11.00 "Язь против еды"
11.30 "Рейтинг Баженова". Война миров
12.00 X/ф "Летучий отряд. Стертые следы"
13.45, 20.25, 01.05
Большой спорт
14.05 "Биатлон с Дмитрием Губерниевым"
14.35 Биатлон.
16.05, 17.40 XXVII Зимняя Универсиада.
18.50 Биатлон.
20.55 Хоккей.
23.15 Т/с "Позывной "Стая". Восток - дело тонкое"
01.25 Баскетбол.
03.15, 03.45 "Основной элемент"
04.10 "Опыты дилетанта". Мусорщик
04.40 "За кадром".
Голландия
05.30 "Неспокойной ночи". Тель-Авив
06.25 "Наше все".
Якутия
06.55 "Максимальное приближение". Болгария
07.20 X/ф "Две легенды. Двойные стандарты"

Бугун "IOT" (Internet of Things) ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу атаманинг аниқ маъноси нима? Бу технология бизга яқин келажақда нималарни туҳфа этади? Ёш дастурчилар бу соҳада нима қилишлари лозим? Internet of Things — "нарсалар интернетини" деб таржима қилсак, ўқувчига бир оз жўнроқ бўлади. Шу сабабли уни яқиндан ёритишга ҳаракат қилиб кўраимиз.

IOT билан келажақ сари

Келажақ


жуда тез келади

"Мен келажақ ҳақида ҳеч қачон ўйламайман, чунки у жуда тез келади", деб таъкидлаган эди буюк Эйнштейн. Албатта у ҳақ эди. Ўтган икки юз йил давомида дунё икки жуда муҳим инновацияни бошидан ўтказди. Булар — саноат ва интернет инқилоблари эди. Саноат инқилоби бизга машиналар, техник жиҳозлар, завод-фабрикалар, темир йўллари, электр энергия ва самолётларни тақдим қилди. Дунё бу технологиялар билан чегараланиб қолгани йўқ. Вақт ўтгани сари замон ва технологиялар ҳам ўзгариб борди. Бу оламда яшар эканмиз, у ҳеч қачон бир хил циклда давом этмайди, янги-янги ғоялар, янги инновациялар, ихтиролар дунё юзини кўраверади. Саноат инқилобидан сўнг иккинчи инқилоб бошланди, у интернет инқилоби эди. Бу инқилоб ҳам янгича бурилиш ясади. Ва инсониятнинг ҳаёт тарзини, бутун тизимини ўзгартириб юборди. Интернет биз учун кўп имкониятлар эшигини очди, улардан энг асосийси, маълумотлар алмашиши эди. Бу технология кўплав муаммоларни ечиб берди. Бугун кўпчилигимиз интернетсиз ҳаётимизни тасаввур қилолмаймиз.

Саноат ва интернет инқилоби

Ҳўш, саноат инқилоби, кейин интернет инқилоби, энди нима? Дунё ўз қонунига риоя қилган ҳолда янги технологияни тақдим қилди. Бу саноатлашган интернет ёки нарсалар интернетини (Internet of Things) эди. Биз бугун умуман бошқача ўзгаришларни бошимиздан кечираймиз. Саноатлашган интернет ҳаётимизни янада чиройли ҳолатга олиб келади, бизга чексиз имкониятлар эшигини очиб беради. IOT яқин келажақда инсониятга янги-янги ихтироларни тақдим қилади. Бунга оз вақт қолди.

Саноат секторларини тубдан ўзгартиришни бошлаш иқтисодий таъминимизда ва ҳаётимизда муҳим рол



ўйнайди. Хусусан: энергетика, авиация, транспорт ва соғлиқни сақлаш тизимларида. Бу технология иқтисодчилар учун жуда ғайриоддий ва шу билан бирга ҳайратланарлидир. Чунки у саноат инқилоби каби бурилиш ясаши турган гап.

Саноатлашган интернет

Саноатлашган интернет аслида нима? Саноат машиналари электрон сенсорлар билан жиҳозланмоқда, бу эса олдингига нисбатан кўпроқ кўриш, эшитиш ва ҳис қилиш деганидир ва шу билан бир қаторда, жуда катта маълумотлар омборини яратяпти. Бу соҳадаги қилинган лойиҳалар бизга IOTнинг моҳиятини очиб беради.

Келинг, IOTнинг авиация соҳасидаги улкан ижобий таъсирини кўриб чиқайлик. Ҳозирда қутилмаган таъмирлаш ишлари сабабли парвозларнинг 10 фоизи бекор қилинмоқда ва кечиктирилмоқда. Натижада авиасозлик саноати ҳар йили 8 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрмоқда. Бу кўнгилсизликларнинг инсониятга зарарини гапирмасга ҳам бўлади:

стресс, ноқулайлик, муҳим учрашувни ўтказиб юбориш ва аэропортда ёрдамга муҳтож бўлиб ўтириш. Ҳўш, IOT бу муаммони қандай қилиб ҳал қила олади? Дайлик, таъмирлашнинг олдини оладиган тизим ишлаб чиқдик ва бу тизим ихтиёрий самолётга ўрнатилиши

шифокорлар ва тиббий ускуналар ўртасида электрон алоқа ўрнатишда ва мунтазам текшириб боришда фойдаланишди, бу технология беморни шифохонага ётқиши жараёнини қарийб бир соатга қамайтирди. Тасаввур қилинг, агар сиз жарроҳлик амалиётига муҳтож

бўлсангиз, бир соат ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу кўпроқ беморларни даволаш ёки инсон ҳаётини сақлаб қолиш имкониятидир.

Транспорт соҳаси олдида катта муаммолар турибди. Бу — ҳаммаизга маълум бўлган машиналар тирбандлиги. Ўзбекистон кўчаларида ҳам бу ҳолат кўпаймоқда. Агар машина сотиб олувчилар сони кундан-кунга ошаётганлигини ҳисобга олсак, Москва кўчаларидаги тирбандлик бизга тезда етиб келиши мумкин. Буни ҳам IOT билан ҳал қилиш мумкин. Японияда ҳар бир машинага GPS-навигатор қўйилган бўлиб, машина ўзининг ҳолати (қаерда кетаётганлиги ҳақида) доимий маълумот узатиб туради. Бу билан шаҳар кўчаларидаги ихтиёрий машинанинг қаерда, қандай ҳаракат қилаётганлигини кўриш мумкин. Ҳўш, бу маълумот билан содир бўлиши мумкин бўлган тирбандликни дастур ҳисоблайди ва башорат қилади. Ва сизни тирбандлик юзага келган кўчалар ҳақида огоҳлантиради, сиз эса ўша кўчани тарк этиб бошқа йўлдан юрасиз, бу билан вақтингизни тежасиз ва тирбандлик катталашмаслигига сабабчи бўласиз.

Ёшлар олдида қандай вазифа турибди?

Авиация, соғлиқни сақлаш ва транспорт соҳаларидаги улкан ўзгаришлар ҳақида имкони бори-ча сўз юритдик. Бугун ёшлар олдида қандай вазифа турибди? Американи қайта кашф қилиш шарт эмас. Ёшлардан кашфиёт талаб этилмаяпти. Бу технологиялар аллақачон кашф қилинган. Ёшлар мазкур лойиҳаларни пухта ўрганишлари ва ўзимизда татбиқ қилишлари лозим. Бу ишларни амалга оширишлари учун дастурлашга оид амалий ва назарий билимларни ва чет тилларини пухта ўрганишлари талаб этилади.

**Шоҳжаҳон ҚАЮМИЙ,
ТАТУ талабаси**

ТАТУ ўқитувчилари Кюнг Хии университетида

ТАТУ "Мобил алоқа технологиялари" кафедраси ўқитувчилари — Х.Мадаминов ва Р.Раҳмонбердиевлар Корея Республикасининг Кюнг Хии университетида малака ошириб қайтишди.

1949 йили Сеул шаҳрида ташкил этилган Кюнг Хии университети бугунги кунга келиб мамлакатнинг энг нуфузли университетлари ўнталигида муқим ўрин эгаллаган. Мазкур университет компютер технологиялари, дастурлаш асослари, телекоммуникация технологиялари, тиббиёт ва бошқа йўналишлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди. Университет Сеул ва Сувон шаҳарла-

рида замонавий техник қурилмалар билан жиҳозланган ўқув кампусларига эга. "Мобил алоқа технологиялари" кафедрасининг ўқитувчилари Сувон шаҳрида жойлашган кампусда замонавий телекоммуникация технологиялари фанларига тегишли йўналишлар бўйича машғулотларда қатнашдилар. Машғулотлар университетнинг юқори малакали профессор-ўқитувчилари томонидан инглиз тилида олиб борилди. Ватандошларимиз курсларни аъло баҳолар билан якунладилар. Уларга имтиҳонлар натижалари бўйича тегишли сертификатлар берилди.

Келажақда Кюнг Хии университети ва ТАТУ ўртасида ҳамкорлик давом этади.



Ватан улуглайди ўғлонларини

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали, Жануби-Фарбий махсус ҳарбий округи ҳамда Республика Маънавий тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида ТАТУ Қарши филиалида 14 январь — Ватан ҳимоячилар куни муносабати билан "Миллий армиямиз — гуруримиз, ифтихоримиз" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирга таклиф этилган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Эшонқул бобо Равшанов сўзга чиқиб, озодлик, мустақиллик, бугунги тинч-осуда ҳаёт ўз-ўзидан келмагани, буларнинг ҳаммаси тинимсиз курашлар, қийинчиликлар, йўқотишлар, уйқусиз тунлар, изланиш ва яратишлар, баъзан ўта оғриқли, баъзида қувончли интилишлар маҳсули эканини таъкидлаб, бунинг қадрига етишимиз лозимлиги, она Ватанимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, ёшларнинг ўз қобилиятларини рўйбга чиқаришлари учун мамлакатимизда яратилган имкониятлардан самарали ва оқилона фойдаланиш кераклиги ҳақида гапирди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаров ҳамда "Ниҳол" мукофоти совриндори Хайрулла Ваҳобовлар талабаларни Ватан ҳимоячилари куни байрами билан табриклаб, ўз чиқишлари билан тадбирга ўзгача кайфият бағишладди.

А.ИСМОИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ташкил топганига 23 йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузурдаги Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказида "Ватан сарҳадлари муқаддасдир" мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

Тадбирни марказ директори ўринбосари Олимжон Мирзаев очиб берар экан, бугунгидек тинч, хотиржам ҳаётимиз ҳарбийларимиз томонидан ишончли тарзда ҳимоя қилинаётгани, мана шундай масъулиятли бурчни сиз қилдирангиз адо этаётган, тараққиётимиз барқарорлигига камарбаста бўлаётган ҳарбийларимизни ҳар қанча эъзозласак арзишини таъкидлади.

Маънавий-маърифий тадбирга таклиф этилган Ўзбекистон Республикаси МХХ Чегара қўшинлари зобити, "Мардлик" ордени соҳиби, майор Музаффар Қўчқоров мамлакатимиз ҳудуди ўз Қуролли Кучлари, жумладан, Чегара қўшинлари томонидан сергак кўриқланаётгани, бор куч-ғайрати юртимиз осойишталигини таъминлашга қаратилаётгани ва, ўз навбатида, ҳукуматимиз томонидан ҳарбийлар юқори даражадаги шарт-шароитлар билан таъминланаётгани ҳақида сўз юритди.

Л.БҮРОНОВ,
АХТМ бўлим бошлиғи

Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона марказида "Тинчликка қўнғонмиз, Ватанга посбон!" мавзуида тадбир ўтказилди.

Унда "Ватанга хизмат қилиш буюк сўдат" мавзуида Ўзбекистон халқ демократик партияси Навоий шаҳар кенгаши раиси А.Хўжамов маъруза қилди. 34051-ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, капитан У.Саломов ҳамда Навоий номидаги нашриёт бош муҳаррири У.Жалилов ҳарбий бурч ва Ватанга муҳаббат туйғуси қадрдон юртни ҳимоя қилишдек буюк ишга дахлдорлик, жанговар биродарлик ҳиссини англаб етиш ҳақида фикрлашиб, йиғилганларни муҳим сана билан муборакбод этишди. Шундан сўнг Навоий педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳуна коллежи ўқувчиларидан иборат "Истиклол" ва "Ниҳол" гуруҳлари ҳамда 34051-ҳарбий қисм оддий аскарларидан иборат "Ватанпарвар" гуруҳлари иштирокида "Имкон шоу" дастури ўтказилди.

Шу куни "Юртимиз ҳимоси ишончли қўлларда" мавзуидаги китоблар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Кўргазма давомида фаол китобхонларимиз томонидан она Ватанимиз ва ҳарбийлар ҳақида шеърлар, қўшиқлар ва рақслар ижро этилди. Тадбир ниҳоясида иштирокчиларга ахборот-кутубхона маркази ва Ўзбекистон халқ демократик партияси Навоий шаҳар кенгашининг фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Н.БАРНОКУЛОВА,
АКМ бўлим мудири

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир ўтказилди.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги вакиллари ҳамда ТАТУ Самарқанд филиали профессор-ўқитувчи ва талабалари "Мотамсаро она" ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

ТАТУ томонидан видеоселектор орқали барча филиаллар иштирокида "Ватан ҳимоясига барчамиз масъулмиз" мавзуида онлайн тарзида тадбир ўтказилди. Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, мустақиллик йилларида давлат мукофотлари билан тақдирланган ҳарбийлар, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб талабалikka тавсия этилган талабаларнинг ота-аналари, филиал профессор-ўқитувчи ва талабалари иштирок этишди.

— Ватанимиз мудофаа қудратини янада кучайтириш борасида бугунги ёшларнинг, айниқса, алоқачи ёшларнинг ўз ўрни бор, — дейди биз билан бўлган суҳбатда ТАТУ Самарқанд филиали маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Шаҳзод Эшонқулов. — Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги кун ёшларимизнинг қўзлари ёниб туради.

Тадбирда Қуролли Кучлар офицерлари, сержантлар ва фахрийлар, таникли олимлар, маданият ва санъат намояндалари сўзга чиқишди. Энг фаол талабаларга фахрий ёрликлар топширилди, меҳмонларга байрам совғалари тақдим этилди. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан муддатли ҳарбий хизматни ўтаб филиалда таҳсил олаётган ва яхши хулқи, жамоат ишларида фаол иштироки учун 32 нафар талаба маънавий рағбатлантирилди.

Самарқанд вилояти техник радионазорат станциясида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб "Мардлар кўриқлайди Ватанни" деб номланган давра суҳбати ўтказилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий таълим муассасаларида Қуролли Кучларимиз учун 30га яқин йўналиш бўйича юқори малакали офицерлар тайёрланаётганлиги барчага маълум. Таълимнинг бу жараёни энг сўнгги рўсумдаги ахборот-коммуникация технологиялари, моделлаштириш ҳамда замонавий компютер техникалари билан таъминланганлиги жуда қувонарлидир.

Давра суҳбати давомида Юртбошимизнинг Ватанимизнинг тинчлик ва барқарорлигини таъминлашда унинг чегаралари дахлсизлигини сақлаш, ислохотлар орқали собитқадамлик билан ривожлантириш йўлида олиб бораётган сиёсати ҳар бир фуқарони руҳлантириши ҳақида сўз борди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги муҳбири

2015 йил — Кексаларни эъозлаш йили



Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, барча жабҳалардаги кенг кўламли ўзгаришлар замирида инсон ва унинг манфаатлари, оилаларимиз фаровонлиги, фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмайд ўсишига эришишдек эзгу мақсадлар мужассам.

Эзгуликнинг буюк мазмуни

Маънавий ҳаётимизнинг чироғи ота-она, унинг теграсида айлашиб, ўзини, она тилини, Ватанини англаб воёга етаётган фарзандлар асл гавҳар, эртанги кунимизнинг соҳиби давронлари.

Аслида истиклолга эришган кундан бошлаб, эзгулик, яхшилик, меҳр-оқибат, аҳиллик, тотувликни умримизнинг мазмуни деб билдик. Зеро, ҳар йилимиз — у Оила ёки Аёллар йили бўладими, Соғлом авлод, Соғлом бола йили деб аталадими — буларнинг барида эзгуликнинг буюк мазмуни мужассам.

Энг асосийси, бизнинг мақсадларимиз олижаноб. Амалга оширган тадбирларимиз турмушимизни фаровон қилиш, юртимизни обод этиш, обрў-эътиборини юксалтириш, энг муҳими, инсон манфаатларини улуғлаш, унинг кадр-қиммати ва ҳурматини жойига қўйишга қаратилган. Шу маънода, ҳар бир йилимиз инсон учун, унинг бахту саодати учун хизмат қилади, десак асло муболаға бўлмас.

2015 йил — Кексаларни эъозлаш йили дея эълон қилинганлиги беҳижга эмас. Бу билан эзгулик янада улуғвор даражага кўтарилди. Зотан, кексаларимиз хонадонларимиз кўрки, унинг обрўси, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган кадриятларимизу аъналаримиз, бебаҳо меросимизнинг донишманд эгаларидир. Уларнинг ҳар бир сўзи ҳикмат, босиб ўтган йўли — сабоқ, Шунинг билан бирга, мўътабар кадриятларимизнинг Ватанимиз тараққиётида муносиб ҳиссаси бор. Кексаларни ҳурмат қилиш, уларнинг панд-насихатларига қўлоқ солиш ва унга амал қилиш қадим-қадимдан ўзбекларга хос одат бўлиб келган. Чунки ёши улуғлар ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб, бой тажриба тўплаганлар. Биз ёшлар эса уларнинг доно фикрлари, йўл-йўриқларидан фойдаланиб, маслаҳатларига амал қилсак, албатта, ишларимизда барака ва унум бўлади. Ҳар бир шаҳару қишлоғимизда уларнинг меҳнати, фидойилиги, бебаҳо дуолари қудрати — маҳобатли мактабларда, замонавий иншоотларда, кўркам боғу роғларда, фарзандларимизнинг ширин кулгисидан намоён бўлади.

"Кексалар ҳурматда, ёшлар иззатда" дейди халқимиз. Бу сўзларнинг туб моҳиятига назар ташласак, миллатимиздаги бағрикенглик, саховат, абадийгата дахлдор меҳрни кўрамиз. Айтиш жоизки, Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида биргина яқунланган йилда кексаларга ва ёшларга кўрсатилётган эътибор, қўллаб-қувватлаш, рағбат ҳамда кенг имкониятлар таҳсинга лойиқ ишлардир. Хусусан, Юртбошимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ушбу йўналишдаги ишларни яна бир поғона кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур ҳужжатга асосан, кексаларимизнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, хусусан, йилда бир марта ўзлари учун қўлай вақтда санатория-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволанишлари кўзда тутилган.

Ўйлаб қарасак, ҳамма гап, келажагимизнинг тинч ва осойишта бўлиши, ҳар бир кунимиз фаровон ўтиши учун қўллари дуодан тушмайдиган нурунийларимизда экан. Ахир, "Олтин олма — дуо ол", дея беҳижга айтишмаган. Шундай экан юртимиз бахтига кексаларимиз доим омон бўлсин. Зеро, нурунийларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, оғирини енгил қилиш, кадрлаш ва эъозлаш ҳар биримизнинг ҳам инсоний, ҳам фарзандлик бурчимиздир.

Афтондил ИСМОИЛОВ

Қурилиш меъёрларига риюя қилайлик

Сирдарёда телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ишлари назоратда

Бугунги кунда телекоммуникация технологияларининг иқтисодиёт, қолаверса, инсонлар турмуш тарзида тутган ўрнини таъкидлашнинг ўзи ортикча.

Илғор телекоммуникация технологияларини жорий этиш, аҳоли ва ташиқлотларга сифатли хизматлар кўрсатиш борасида Сирдарё вилоятида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда "Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиалининг маҳаллий телекоммуникация тармоқларини модернизациялаш ва кенгайтириш доирасида замонавий, электр энергиясини кам истеъмол қиладиган, NGN технологияси асосида ишловчи, жами телефон хизматлари учун 29564та ва кенг полосали интернет хизматлари учун 8832та портга эга 32та "MSAG" рақамли телефон станциялари ўрнатилди. Мазкур станцияларни фойдаланишга қабул қилиш Давлат комиссияси таркибида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича

Давлат инспекциясининг Сирдарё вилояти ҳудудий бўлинмаси иштирок этиб, фойдаланишга қабул қилинаётган объектлар бўйича ҳужжатлар тўплами таҳлил қилинди ҳамда объектларнинг меъёрий ҳужжатлар талаблари ва лойиҳаларга мувофиқлиги ўрганилди. Аниқланган камчиликлар бўйича тегишли хулосалар берилди. Бу камчиликлар бартараф этилгандан сўнг объектлар фойдаланишга қабул қилинди. Мазкур станцияларнинг қурилиши FTТх технологиясининг FTТC босқичига мос келади. Бунда катта ҳажмдаги магистрал мис кабеллардан воз кечиб тарқатиш жавонигача оптик толали алоқа кабелларидан фойдаланилган. Бу эса маҳаллий телекоммуникация тармоқларида сифатли ва юқори тезликда алоқа хизмати кўрсатиш имконини беради.

Истеъмолчиларга сифатли ва юқори тезликда интернет ва IPTV хизматларини кўрсатиш мақсадида "Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиали томонидан FTТх технологиясининг FTТB босқичи асосида Гулистон шаҳрининг Мустақиллик ва Навоий кўчаларидаги кўп қаватли уйларга ҳар бири 24тадан портга эга 10та концентраторни ўрнатиш бўйича 2012 йилда ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида қурилиш ишла-

ри якунига етказилган. Ушбу босқичда биногача оптик толали алоқа кабелларидан фойдаланилган. Бу эса янада сифатли ва юқори тезликда хизматларни кўрсатиш имконини беради. Аммо, мазкур қурилиши тугалланган объектлар Фойдаланишга қабул қилиш Давлат комиссияси томонидан амалдаги меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга мос эмаслиги аниқланиб, тегишли хулосалар берилган ва бугунги кунда Давлат қабул комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилиниш арафасида. Ўтган 2014 йили филиал томонидан NGN технологияси асосида тармоқни янада кенгайтириш мақсадида тўртта mini MSAN станциясини қурилиши якунига етказилган бўлиб, ҳозирда мазкур қурилишни амалдаги меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга мос келтириш ишлари кетяпти.

“

Бугунги кунда "Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиали томонидан маҳаллий телекоммуникация тармоқларини GPON технологияси асосида қуриш лойиҳалари устида ишлар олиб борилмоқда.

”

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида телекоммуникация иншоотларини қуриш бўйича бир қатор идоравий қурилиш нормалари ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур меъёрий ҳужжатларда телекоммуникация иншоотларини лойиҳалаш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва қуриш тартиби белгиланган.

Бугунги кунда "Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиали томонидан маҳаллий телекоммуникация тармоқларини GPON технологияси асосида қуриш лойиҳалари устида ишлар олиб борилмоқда. Шу сабабли, мазкур лойиҳаларни амалга оширишда ва юқорида фойдаланишга қабул қилинмай қолган қурилиш тугалланган объектларни Давлат қабул комиссиясига топширишда амалдаги қурилиш меъёрларига риюя қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўткирбек БЕГАЛИЕВ,
Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича Давлат инспекцияси Сирдарё вилоят ҳудудий бўлинмаси бошлиғи вазифасини бажарувчи

QAROR VA IJRO

“Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори қабул қилинганлиги 2014 йилнинг муҳим воқеаларидан бўлди.

АРМ тантана тараддудидида

Эътиборли жиҳати шундаки, бу янгилик миллий адабиётимизнинг кўп сонли мухлисларини беҳад қувонтириб юборди. Дарҳақиқат, Зулфияхоним ҳам XIX асрда яшаб ижод этган Нодира ҳамда Жаҳон отин Увайсий сингари элимиз қалбидан чуқур жой олган шоира эди. Бетакор истеъдод соҳибасининг Ватанга муҳаббати, севги ва вафога садоқат туйғуси тараннум этилган асарлари кўнглимизга ўзгача оройиш бағишлаганини асло инкор қилмаймиз.

Ўзбекистон халқ таълими олачиси Ҳамиджон Тўракулов раҳбарлигида иш олиб бораётган Сурхондарё вилояти ахборот-ресурс марказида бўлганимизда режалаштирилган ижодий учрашувга қизгин ҳозирлик кўрилаётганини устидан чиқдик. Марказга аъзо талаба ва ўқувчи ёшлар иштирокидаги саҳна кўринишлари худди

Зулфияхонимнинг ибратли ҳаёти ҳамда ижтимоий фаолиятини яна бир бор эслатгандай бўлди. Бизга, айниқса, шоира шеърини асосидаги мушоира жуда ҳам ёқди.

— Тез орада ўтказадиган юбилейли тадбиримизни “Мустақиллик даври адабиётида Зулфия ижодининг аҳамияти” деб номлаганимиз, — дейди марказнинг ахборот-библиография ва ўлкашунослик бўлими бошлиғи Насиба Қиличева. — Мақсадимиз шоира ўз ижоди билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавий дунёсини юксалтиришга катта ҳисса қўшганлигини буғунги авлодга кўрсатишдан иборат.

Таъкидлаш лозимки, вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги ахборот-ресурс марказининг бошқа бўлимларида ҳам қабул қилинган қарор ижросини таъмин-

лашга доир ҳаракатлар жадал олиб бориляпти. Агар мактабгача ва кичик ёшдаги болалар мултимедия бўлимида “Зулфияхоним издошлари” кўрик-танлови ўтказилса, ўрта ва катта ёшдаги болаларга хизмат кўрсатиш бўлими жамоаси айни Наврўз кунлари вилоятдаги Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибалари иштирокида учрашув ташкил қилишга ҳозирлик кўришмоқда. Адолатхон Худойкулова раҳбарлигидаги “Янги ахборот технологиялари ва интернет синфи” бўлими эса замонавий ахборот технологиялари кўмагида юбилейга бағишланган слайдларни шакллантириш тараддудидида. Эътиборлиси, Зулфияхоним ҳаёти ва ижодий фаолияти акс этган бу лавҳалар вилоят мактабларига тарқатилади.

Бир сўз билан айтганда, вилоят ахборот-ресурс маркази ҳамда Термиз шаҳри ва туманлардаги шохобчаларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлашга асосий вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Умид қиламизки, юбилей тадбири бўлажак баҳорий айёмлар гултожиси ҳисобланган Наврўз танталарига уланиб кетади.

**Нортожи ЗИЁЕВ,
“Xabar”нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири**

Меҳнати машаққатли, самараси хайрли

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиалида ўтган йили даврий нашрларга обуна режаси ортиғи билан бажарилган эди. 2014 йил обуна мавсумида ҳам иш тўғри ва пухта ташкил этилди.

Филиал бошқаруви раҳбарлари ва мутахассисларининг бирортаси ҳам бу муҳим ишдан четда қолмади. Ҳар бири муносиб ҳиссасини қўшишга интилди. 2015 йил учун 13 млрд. 218 млн. сўмлик даврий матбуотга обуна қилиниб, режа ортиғи билан бажарилди. Бу кўрсаткич ўтган 2014 йилгидан салкам 2 млрд.га кўп демакдир. Бу борада, айниқса, Фарғона, Қўқон шаҳарлари, Яйпан почта алоқаси тармоқларидаги ишлар таҳсинга сазовор. Филиалда обуна бўлими бошлиғи Гулнораҳон Райкенова ҳамда мутахассис Асалхон Ҳалилова, Фарғона шаҳар ПАТ бошлиғи Насибхон Тожибоева ҳамда хабарчилар Зиёдахон Баракабоева ва Шаҳзодахон Жўраева, Қўқон шаҳар ПАТ бошлиғи Мухсинжон Миртожиев ва хабарчилар Шоҳидахон Қосимова, Жаҳонгир Мадрахимов,

Муроджон Исмоилов, Адхамжон Носиров, Бешариқ ПАТ бошлиғи Ҳаётхон Пўлатова ва хабарчи Дилшоджон Тошпўлатов, Бағдод ПАТ бошлиғи Шухратжон Қамбаров ва хабарчилар Нусратилло Дадабоев, Хусанбой Дадабоев кабиларнинг хизматлари алоҳида эҳтиром билан тилга олишга арзийди.

Бинобарин, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни, юртимизда ва дунёда юз бераётган янгиликлар, воқеа-ҳодисаларни тезкорлик билан халққа етказишда, маънавиятни юксалтиришда беқиёс аҳамияти бўлган даврий матбуот обунасига ҳар бир почтачининг ҳисса қўшиши энг хайрли ишлардандир.

Яқинда филиал мажлислар залида бўлиб ўтган обуна ишлари яқунларига бағишланган йиғилишда филиал директори Шухратжон Бўриев ана шу почта тармоқлари-

да эришилган ютуқларга алоҳида тўхталар экан, Яйпан почта алоқаси тармоғи фаолиятига юқори баҳо берди. Уларнинг муваффақияти туман ҳокимлиги ҳамда худуддаги ташкилотлар билан ҳамкорликни рисоладагидай йўлга қўя олганликлари ва жамоада соғлом муҳит барқарор эканлигидадир. Бошлиғи Нўрмонжон Тошқўзиев кадрларнинг ўз салоҳиятини ошириб боришлари, яхши ишлаганларни, ташаббус кўрсатганларни қўллаб-қувватлашга жиддий аҳамият қаратиб келаётгани ҳам ўз мевасини бермоқда, дея таъкидлади директор. Кўриниб турибдики, қаерда адолат қонун-қоидаларига амал қилиб иш юритилса, тармоқ ва алоқа бўлимлари бинолари ва худудлари озода ва батартиб бўлса, ўша ердан файз-баракат асло аримайди. Қатор шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқлари жамоалари ҳам яйпанликлар тажрибасини ўрганиб, хулосалар ясаб, ўз тажрибаларини бойитишса, айни мудида бўларди.

Йиғилишда обуна мавсумида шижоат кўрсатганлар, албатта, рағбатлантирилиши қайд этиб ўтилди. Ҳар жабҳада ютуқларга эришиш, муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар берилди.

**Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Xabar”нинг Фарғона
вилоятидаги мухбири**

Фарғонада яқинда ишга туширилган муҳташам Санъат саройида илк марта болажонларга Янги йил байрами томошалари тақдим этилди.

АЖИБ ЛАҲЗАЛАР

“Насриддиннинг Янги йил саргузаштлари” театрлаштирилган томошаси болажонларнинг таътил кунларини ўзгача мазмун-моҳият билан бойитди. Эртақ-саргузашт болажонларни ўйлашга, фикр қилишга ўргатади: Эзгуликнинг ёвузлиқ устидан галабаси муқаррар! Инсон ҳамиша яхшиликка, эзгуликка интилиб яшаш зарур!

Қолаверса, эртақ қахрамонлари — оқ ярқироқ чопонли, қўлида сеҳрли ҳасса тутган Қорбобо, оқликка чулганган мафтункор Қорқизнинг, баҳайбат Айиқ, Тулки, Бўрининг зал бўйлаб юрганча болаларни қутлашлари беғубор қалблардаги байрамона хушнудликни чандон оширди.

— Томошабин болажонларнинг ёнгинасига бориб, қувонча тўла қақноқ кўзларини кўришининг ўзи менга бир олам шодлик бахш этади. Ҳар бир узатилган қўлчани ўпиб-ўпиб қўйгим келарди, — дейди Қорқиз ролинини ижро этаётган Фарғона вилоят давлат кўғирчоқ театри актрисаси Ферузахон Холмирзаева. — Болажонларга қўйилган ажиб лаҳзаларни ҳаёда қилганимиздан гурурланаман.

Маъмур томошага болажонлар боболарию бувлари ёки ота-оналари билан келганликлари билан, айниқса, аҳамиятлидир. Шоҳрух, Адхамжон, Нодирабегим, Муфинахон каби болажонлар ҳам ёнида азиз кишилари борлигидан, улар билан бирга қувнаб-яйраётганларидан бахтиёр эдилар.

— Томоша бизларга жуда маъқул бўлди, — деди Водилдан невараси билан келган Қаниза опа. — Қизимнинг ишонаси — “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали бошланғич касабаси уюшмаси кўмитаси ишчи-ҳодимларининг 50 нафар боласига шундай Янги йил тўғрисида — эртақ-саргузашт ҳаёда этганидан биз буювжонлар беҳад мамнун бўлдик.

Эртақ-саргузашт ҳангомаларидан вилоятдаги бошқа алоқа ташкилотлари ва кўплаб корхоналар ишчи-ҳодимларининг фарзандлари ҳам баҳраманд бўлишди.

С.ҲАФИЗОВА



Ҳикмат

ЧАРХ БИР КАСАЛДИР, УНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИШ
ЛОЗИМ. ЧУНКИ ЗОҲИРИНИНГ ҲАР ТАРАФИДА ТУЛ
ДУЗЛАРДАН ОҚ ХОЛ (ДОҒ)ЛАР БОР.

Алишер НАВОЙ

Юртимизда янги ва қулай технологиялардан унумли фойдаланиш, хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш, алоқа тармоқларида сифат даражасини янада ошириш каби салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жабҳада "Ўзбектелеком Интернешнл" қўшма корхонаси "ЎЗИ-Жиззах" филиали ўз ўрнига эга бўлиб, асосан Жиззах шаҳри аҳолиси ва ташкилотларига телефон, телеграф, интернет хизматларини кўрсатмоқда.

"ЎЗИ-Жиззах": ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ



— Филиалимиз 2002 йил 1 июлда ташкил топган бўлиб, бугунги кунда 120 нафар ходим самарали меҳнат қиляпти, — дейди "ЎЗИ-Жиззах" филиали раҳбари Мурод Бобомуродов. — Филиалда линия аппарат зали бўлими ва 17та рақамли автоматлаштирилган телефон станцияси бор. Станциялар ўзаро 43,207 км. оптик толали кабеллар орқали боғланган бўлиб, монтаж сифими 23470 телефон рақамни, абонентлар сони 20992тани ташкил этади.

Эскирган телефон станциялари 2013 йили замонавий станцияларга алмаштирилди. Жумладан, Жиззах шаҳрининг "Маданият" маҳалласида 1120 рақамли, "Кимёгар" маҳалласида 1024 рақамли, Ёшлик митти туманида 608 рақамли, "Қалия" маҳалласида 608 рақамли, Халқлар дўстлиги шохқўчаси АТС биносидида 800 рақамли, Алишер Навоий кўчаси "Алоқабанк" худудида 704 рақамли, Зиёкор кўргонида 800 рақамли, шаҳар ИИБ худудида 512 рақамли телефон станцияси реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Ушбу кенг қамровли ишлар туфайли шаҳар аҳолиси, ташкилот ва корхоналарга интернет, IPTV хизматларини кўрсатувчи MSAN портлари ишга туширилди.

Айни дамда Жиззах шаҳри ва туманларда 2600дан зиёд интернет портлари ишлаб турибди. Булардан ташқари, 31та мактаб, 10та касб-хунар коллежи ҳамда учта академик лицей ва ахборот-кутубхоналар Ziyonet тармоғига уланди.

Шунингдек, реконструкция ишлари муносабати билан янги ишга туширилган АТСлар оралиғида кўшимча 22300 метрдан зиёд оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди.

Жиззах шаҳри аҳолиси ва ташкилотлари аризасига асосан уч йил давомида 400та

телефон нуктаси ўрнатилди. Асосий телефон аппаратларининг сони 400тага кўпайтирилди.

Жиззах шаҳрининг Мустақиллик, Алишер Навоий кўчаларида телекоммуникация инфратузилмаларини реконструкция қилиш ишлари бўйича ер ости, алоқа каналлашувларини кўчириш бўйича "ЎЗИ-Жиззах" филиалида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда АТСларда мижозларга 15та кўшимча хизмат таклиф этилмоқда. Улардан фойдаланувчилар сони ҳозир 7711 нафар бўлиб, олинган даромад 94979,0 минг сўмни ташкил қилмоқда. 2341та, яъни 147та ташкилот ва 2194та аҳоли хонадонлари интернет хизматидан фойдаланяпти. Шаҳарлараро сўлашувлар сони бўйича режа 4985,1 мингтага ёки 199,4 фоизга бажарилди. Халқаро сўлашувлар сони бўйича режа 46,3 мингта (144,7 фоиз)га бажарилди. Ички зона сўлашувлар сони бўйича режа 2003,7 мингта (250,0 фоиз)га бажарилди.

Филиал касба уюшмаси кўмитаси томонидан ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 8834,0 минг сўм миқдоридида маблағ сарф қилинди. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга 1,35 млн. сўм миқдоридида, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш учун 1,2 миллион сўм сарф қилинди.

Бултур "Соғлом бола йили Давлат дастури"га биноан ходимларнинг юздан зиёд фарзандларига "Алоқачи" болалар ёзги оромгоҳига йўлланмалар олиб берилди.

Қисқаси, алоқа корхонасида эзгу ва хайрли ишлар янада кўпайтирилмоқда, салмоғи ортиб бормоқда.

Норкул МАЪМУР,
"Xabar"нинг Жиззах
вилоятидаги мухбири

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ва касба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал моддий-техника таъминоти хизмати бўлими бошлиғи Отабек Жўраевга волидаи мухтарамаси **Светлана АЗИМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



SPORT

Осиё Кубоги

Галаба ва мағлубият

Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё Кубоги-2015даги иштирокини галаба билан бошлади. Миржалол Қосимов шогирдлари гуруҳдаги илк учрашувда ҚХДР терма жамоасини кичик 1:0 ҳисобида таслим этишди.

Уйининг 62-дақиқасида жамоа сардори Сервер Жепаровнинг ажайиб тўп узатишидан сўнг ҳужумчимиз Игор Сергеев боши билан корейликлар дарвозасини ишғол қилди.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚХДР 1:0

ГОЛ: Игор Сергеев 62

Иккинчи учрашувда жамоамиз хитойлик рақибларга қарши майдонга тушди ва 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди.

Хитой — Ўзбекистон 2:1

ГОЛ: Одил Аҳмедов 22, — 0:1. Ву Си 54, — 1:1. Сун Ке, 68 — 2:1.

Сўнгги турда терма жамоамиз Саудия Арабистони терма жамоаси билан баҳслашади. Айни пайтда ҳар иккала жамоа ҳисобида ҳам 3 очкодан мавжуд. Фақатгина галаба Миржалол Қосимов шогирдларини гуруҳдан олиб чиқиши мумкин.

Шахмат

Халқаро рейтинг очколарини тақдим этувчи турнир

5-13 январ кунлари Ўзбекистон шахмат федерациясининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан халқаро рейтинг очколарини тақдим этувчи турнир ўтказилди. Тўққиз тур яқунларига кўра, Абдумалик Абдувалимов юз фоизлик кўрсаткич, яъни 9 очко билан голибликни қўлга киритди.

Сухробжон Аввалбоев 7,5 очко билан иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, 6 очко жамғарган Сарварбек Олимжонов кучли учликка яқун ясади.

Қиз болалар ўртасида махсус соврин Асал Салимова (5,5 очко, умумий 7-ўрин)га насиб этди. Фахрийлар ўртасида энг яхши натижани Игор Ким — 4,5 очко (умумий рўйхатда 13-ўрин) билан қайд этди.

Сузиш

Совриндорлар аниқланди

Пойтахтимиздаги 12-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабидида ўғил болалар ва қизлар ўртасида сузиш бўйича шаҳар чемпионати ўтказилди.

Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан ташкил этилган мусобақида 220 нафарга яқин спортчи сузишнинг эркин, брасс, чалқанча ва баттерфляй турлари бўйича голиблик учун баҳслашди.

Ўғил болалар ўртасида Бекмурод Кенжаев, Денис Титов, Дмитрий Шорин, Искандар Саъдуллаев, Богдан Пухнатий, Артур Рўзиёв, Элмурод Шарипов голибликни қўлга киритди. Қизлар ўртасида Фотима Салех, Муслима Султонова, Нигина Саидқаримова, Ойдин Миржалилова, Анастасия Зеленицкая, Валерия Муродова, Мафтуна Туропова, Севара Усманий биринчи ўринни эгаллади.

Теннис

Абдураимова имкониятни бой берди

Мелбурн шаҳрида "Улкан Тож" туркумига кирувчи йилнинг тўртта турниридан дастлабкиси — Австралия Очки чемпионатининг саралаш баҳслари давом этмоқда.

Аёллар ўртасидаги саралаш баҳсларининг илк босқичида биринчи рақамли теннисчимиз Нигина Абдураимова туркиялик Кагла Буокачайга икки сетда ҳам бир хил 2:6 ҳисобида имкониятни бой бериб, ўз иштирокини муддатидан анча аввал яқунлади.

Футбол

Роналду "Олтин тўп" соҳиби

Цюрихда бўлиб ўтган йилнинг энг яхшиларини тақдирлаш маросимида "Олтин тўп" соҳиби номи маълум бўлди. Португалия терма жамоаси ва "Реал" етакчиси Криштиану Роналду кетма-кет иккинчи бор "Олтин тўп" совринига муносиб деб топилди.

Эслатиб ўтаамиз, Роналду бунгача 2008 ҳамда 2013 йилларда жаҳонда тенгсиз футболчи деб топилган эди.

AT-MASLAHAT

SALOMATLIK

Мобил қурилма қувватидан кўпроқ фойдаланмоқчимисиз?

Телефон, смартфон, планшет... Бу қурилмаларда битта умумий муаммо бор — қувватнинг тез тугаб қолиши. Улардан фойдаланишда қувват муддатини имкон қадар узайтириш ва тўғри сақлашнинг бир қатор усуллари бор.



Биринчи қоида

Янги мобил қурилма ёки батарея сотиб олинганда унинг яхши ишлашини таъминлаш учун дастлаб 2-3 бор тўлиқ қувватсизлантириш, сўнг эса 10-12 соат давомида қувватлаш керак. Шу ўринда батареяни 24 соатдан ортқ тинимсиз қувватлаш унинг шикастланишига олиб келишини ҳам ёдда сақламоқ лозим.

Мутахассислар батареянинг яхши ҳолатда сақланиши учун ойда бир маротаба телефон автоматик равишда ўчунга қадар қувватламасликни тавсия қилади.

Иккинчи қоида

Тўлиқ қувватланган батареяни қувватлаш мосламасига уланган ҳолда қолдирмаслик лозим. Бу унинг

яроқлилик муддатини камайтириши мумкин.

Иссиқ ёки ўта совуқ ҳароратда батареянинг ишлаш ҳажми ва вақти қисқаради. Ундан +15 даражадан +25 даражагача ҳароратда фойдаланишга ҳаракат қилиш керак.

Учинчи қоида

Сигнал мавжуд бўлмаган жойларда телефонни ўчириб қўйинг. Мунтазам равишда алоқа тармоғини қидириш батарея қувватини камайтиради.

Тўртинчи қоида

Мавжуд қувватдан узокроқ фойдаланмоқчи бўлсангиз, кирувчи кўнғироклар овозини имкон қадар пасайтириб, "вибрация"ни ўчириб қўйинг.

Вақти-вақти билан батареянинг мусбат (+) ва манфий (-) кутбларини спиртта ботирилган пахта билан тозалаб турунг.

Бешинчи қоида

Телефонни қувватлаш вақтида уни иссиқликни ютувчи буюмлар устига қўйган маъқул. Масалан, тахта, китоб, металл буюмлар ва ҳоказо.

Олтинчи қоида

Андроид амалий тизимида ишловчи телефонлар экранни кўп миқдорда қувват сарфлайди. Шу боис, андроид қурилмаларда имкон қадар экран ёруғлиги даражасини пасайтириш лозим.

АЭРОФАГИЯ

Ҳаво ютиш, ортқча ютилган ҳавони қайтариб чиқариш. Табиатан овқат ютаётганда қисман ҳаво ҳам ютилади. Аэрофагия, одатда очкиб, шошилиб ва гаплашиб туриб овқат ейиш ёки кўп сўлак ажралиши туфайли рўй беради.

Катталарда учрайдиган аэрофагия кўпинча невроз ёки меъда ичак йўли (меъданинг яра касаллиги, хроник гастрит ва бошқалар) ҳамда юрак томир етишмовчилиги, аорта аневризмаси ва бошқаларнинг белгиси бўлади.

Аэрофагиянинг олдини олиш учун овқатланиш тартибига риоя қилиш, овқатни шошмай тез-тез, оз-оздан ейиш лозим. Эмадиган болада эса аэрофагия қуруқ сўргич сўраверганда ёки сутти кам кўкракни эмганда пайдо бўлади. Бунда боланинг иштаҳаси йўқолиши ва озиб, дармони қуриши мумкин.

Аэрофагиянинг белгилари: эмаётганда бола чинқиб йўғлайди, қорни дам бўлади, эмиб бўлгач, сутини қайтариб қусиб ташлайди. Агар эмизаятганда аэрофагия белгилари пайдо бўлса, эмишни тўхтатиш ва болани тик ҳолда кўтариб туриш керак. Шунда кекирик аралаш ҳаво чиқиб кетиб, бола тинчланади ва аҳволи яхшиланади. Аэрофагия қайтарилаверса, шифокорга мурожаат қилиш керак.

Наргиза УГЛАНОВА
тайёрлади

TAVSIYALAR

Тозаловчи воситалар бўлмаса...

ОШ ТУЗИ

Йирик туз донларини ишқалаб, гўшт тўғралган тахтакадаги изларни кетказса бўлади. Ош тузи билан товада пиширилган таомдан қолган қумоқларни ҳам бартараф этиш мумкин.

Рўзғорда нималар бўлмади, дейсиз. Баъзан эсдан чиқибми ёки маблағингиз етмайми, тугаган тозаловчи воситалар ўрнига янгисини келтира олмайсиз. Бундай пайтда қуйидаги маҳсулотлар сизга асқотади.

ГУРУЧ

Бу маҳсулот билан кирланиб кетган узун ваза ёки шунга ўхшаш идишни тозалаш мумкин. Бунинг учун идишга хом гуручни ташлаб, сув ва устидан илиқ сув қўйиб, яхшилаб чайқатасиз. Сўнгра гуручни тўкиб, совуқ сув билан чайиб юборасиз.

XALQ TABOVATI

ЖИГАРНИ ТОЗАЛАШНИНГ ОДДИЙ УСУЛИ

Истеъмол қилган егуликларимиз ва ичган суюқликларимиз қонга сўрилиб, жигар орқали бутун организмимизга тарқалади. Шунинг учун ҳам жигарда тўпланиб қолган тикқилмаларни тозалаб туришимиз зарур. Бунинг оддий усули қуйидагича:

Гречихани қайноқ сувда ивитиб (қовурмаган ҳолда), уни сариёғ билан аралаштирамиз. Тайёр бўлган дармондорини кунига икки маҳал оч қоринга еб, сўнгра икки-уч соат ҳеч нарса истеъмол қилмаймиз. Муолажа бир ой давом этади. Бу давр мобайнида овқат рационидан ёғли, қовурилган таомлар олиб ташланади.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ

Бош муҳаррир:
Абдусанд КўЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўричилиги тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета
ҳафтанинг
жума кўни
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида chop этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри,
"Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-165 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 13880 нуска.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Асаддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 715-87-21 Гулистонда 240-00-46 Жиззахда (94) 199-93-64 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 230-64-80 Термисда (91) 235-88-68 Тошкентда 288-40-66 Урганчда (90) 713-21-40 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93) 931-08-99